КИРИБ КЕЛАЁТГАН ЯНГИ ЙИЛИНГИЗ БИЛАН!

2009 йил 30 декабрь, чоршанба

# Тошкент оқшоми

Газета 1966 йил 1 июлдан чиқа бошлаган

ШАҲАР ИЖТИМОИЙ-СИЁСИЙ КУНДАЛИК ГАЗЕТАСИ

№ 249—250 (11.560 — 11.561)

Баҳоси эркин нархда

## ПОЙТАХТНИНГ БИР КУНИ

2200 Тошкент

2010 йил — Баркамол авлод йили

# БОЛАЛИК, БЕҒУБОРЛИК, ШОДЛИК БАЙРАМИ



### Мамлакатимизда «Президент арчаси» байрам тантаналари бошланди

Президентимиз Ислом Каримов раҳнамолигида фарзандларимизни ҳеч кимдан кам бўлмаган инсонлар этиб тарбиялаш, уларнинг маънавиятини юксалтириш, ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоялаш, таълим-тарбия олиши, саломатлигини мустаҳкамлаши йўлида ғамхўрлик ва эътибор кўрсатиш олиб борилаётган кенг кўламли ислоҳотларнинг пировард мақсадини ташкил этади. Янги йил арафасида юртимизда анъанавий тарзда ўтказилувчи "Президент арчаси" байрам тантаналари бунинг амалдаги яна бир тасдиғидир.

29 декабрь куни пойтахтимиздаги "Туркистон" саройида ана шундай тантаналар бошланди. "Sen Yolg`iz Emassan" Республика жамоатчилик болалар жамғармаси ва Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги ҳамкорлигида ўтказилаётган ушбу тадбирга шаҳардаги барча Меҳрибонлик уйлари, SOS – Болалар шаҳарчаси, махсус мактаб-интернатларнинг тарбияланувчилари, ижтимоий ҳимояга муҳтож, кам таъминланган, серфарзанд оилаларнинг ўғил-қизлари таклиф этилди.

Юртимизда мутлақо янгича, мустақил фикрлайдиган, замонавий янгилик ва технологияларни ўзлаштиришга қодир, миллий ва умуминсоний қадриятлар руҳида камол топаётган маънавий ва жисмоний етук ёшларни тарбиялашнинг мукаммал тизими яратилган. Ҳаётга изчил жорий этилаётган «Бола ҳуқуқларининг кафолатлари тўғрисида»ги, «Таълим тўғрисида»ги қонунлар, Кадрлар тайёрлаш миллий дастури ёш авлоднинг ҳуқуқ ва манфаатларини таъминлаш, уларни юксак маънавиятли, теран тафаккурли инсонлар этиб вояга етказиш, қизиқиши ва лаёқатига монанд касб-ҳунар эгаллашига яқиндан кўмаклашиш, ижодий-интеллектуал салоҳиятини юзага чиқариш имконини бермоқда.

Айни пайтда ота-она меҳридан бебаҳра, ижтимоий, тиббий кўмакка муҳтож, мураккаб шароитда қолган болаларга алоҳида меҳр ва ғамхўрлик кўрсатиш, уларнинг таълим-тарбия олиши, касб-ҳунар эгаллаши, жамиятга интеграциялашуви учун зарур барча шароит ва имкониятларни яратиш давлатимизнинг доимий диққат марказида. Бу жиҳатлар Меҳрибонлик уйлари, Болалар шаҳарчалари, махсус мактаб-интернатлар, болалар ижтимоий реабилитация марказларининг моддий-техник базасини яхшилаш, фаолиятини замон талаблари даражасида ташкил этиш, зарур техника, мебель, ўқув-услубий, компьютер жиҳозлари билан таъминлаш, инклюзив таълимни изчил ривожлантириш, педагоглар, ижтимоий-педагогик кўмак хизмати мутахассислари меҳнатини муносиб қадрлаш, моддий ва маънавий рағбатлантиришда намоён бўлмоқда.

Давлатимиз раҳбари ташаббуси билан «Баркамол авлод йили» деб эълон қилинган 2010 йилда бу йўналишдаги эзгу чора-тадбирлар кўлами янада ортади. Ёшлар камолоти ва истиқболи йўлида узоқни кўзлаб амалга оширилаётган бундай ишлар халқаро миқёсда ҳам самарали ислоҳотлар сифатида тан олинмоқда.

— Бизнинг таълим-тарбия масканимиз яқинда ўтказилган «Энг яхши Меҳрибонлик уйи» республика кўрик-танловида ғолиб бўлди, — дейди пойтахтимиздаги 21-Меҳрибонлик уйи директори Малик Рўзиқулов. — Юз нафарга яқин ўғил-қиз тарбияланаётган ушбу даргоҳда болаларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш, уларга миллий қадриятларимиз асосида тарбия бериш, таълимнинг келгуси босқичи билан қамраб олиш учун барча шароит ва имкониятлар мавжуд. Буларнинг бари давлатимизнинг ёшлар келажаги йўлида кўрсатаётган эътиборининг амалдаги ёрқин тасдиғидир.

— Бундай катта байрамда биринчи марта иштирок этдим, — дейди пойтахтимиздаги 31-Меҳрибонлик уйи тарбияланувчиси Севара Ортиқова. — Президентимизнинг Янги йил совғасини олиш болалар учун катта қувонч. Биз, болаларга шундай қувонч ҳадя этаётганлари учун Юртбошимиздан миннатдормиз.

...Мусиқа янграйди. Қорбобо, Қорқиз, турли эртак қаҳрамонлари кичкинтойларни жўровозликда қўшиқ куйлашга, шўх-шодон рақсга тушишга чорлайди. Арча атрофида болаларнинг беғубор кулгуси янграйди. Байрам тадбирида санъаткорлар, ижрочи ёшлар, цирк усталари, болалар бадиий жамоалари иштирокида "Мўъжизалар оламига саёҳат" мавзуида театрлаштирилган мусиқий дастур намойиш этилди.

Тантанада қатнашган барча кичкинтойларга Президент совғалари топширилди. «Президент арчаси» байрам тантаналари Қорақалпоғистон Республикаси ва барча вилоятларда ҳам бўлиб ўтмоқда.

**Назокат УСМОНОВА,**
**ЎзА мухбири**

Сўз — халқаро кузатувчиларга

# УМУМЭЪТИРОФ ЭТИЛГАН ХАЛҚАРО НОРМАЛАРНИНГ АМАЛДАГИ ИФОДАСИ

**27 декабрь куни Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасига сайлов жараёнларини хорижий давлатлар ва халқаро ташкилотлардан келган уч юзга яқин кузатувчи бевосита кузатиб борди.**

**Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги - ЎзА мухбирлари уларнинг айримлари билан суҳбатда бўлиб, мамлакатимиз сайлов тизими, парламент сайловига тайёргарлик, бевосита сайлов жараёни ҳақидаги фикрларини сўради.**

**Лим Жонг МЁНГ, "Дипломаси" журнали вице-президенти (Жанубий Корея):**

— Олий Мажлис Қонунчилик палатасига сайловнинг дастлабки натижаларига кўра, қирққа яқин сайлов округида депутатликка номзодлар етарлича овоз тўплай олмаган. Шу боис яқин кунларда бундай сайлов округларида қайта овоз бериш ўтказилади. Бу Ўзбекистон Республикасининг сайлов қонунчилиги, амалдаги сайлов тизими умумэътироф этилган халқаро нормалар - демократия, ошкоралик, муқобиллик ва кўппартиявийлик тамойилларига тўлиқ мос келишининг амалдаги тасдиғидир. Айни пайтда мазкур жараён ҳам жамоатчиликда, ҳам халқаро ҳамжамиятда мамлакатингизнинг сайлов тизимига бўлган ишончни янада оширишга хизмат қилади.

Ўзбекистонда ўтган овоз бериш жараёнини Тошкент шаҳридаги 288, 297-сайлов участкаларида кузатдим. Уларнинг ҳаммасида ушбу сиёсий тадбирга пухта тайёргарлик кўрилгани яққол сезилиб турибди. Ўзбекистон Республикаси парламенти сайловига оид қонун ҳужжатлари, газета-журналлар, плакатлар, номзодлар ҳақидаги бошқа ранг-баранг маълумотларни деярли барча жамоат жойларида кўриш мумкин. Ўзбекистонда сайлов тизимининг менга ёққан яна бир жиҳати шуки, сайлов куни муайян сабабларга кўра сайлов участкасига кела олмайдиган фуқароларга махсус кўчма қути олиб борилади ва уларга овоз бериш учун имконият яратилади. Инсон манфаатлари ва ҳуқуқларига ҳурматнинг бундай ёрқин ифодасини ҳеч бир мамлакатда учратмаган эдим.

**Василий ВОЛКОВ, Россия Федерацияси Марказий сайлов комиссияси аъзоси:**

— Кўп мамлакатларда ўтказилган сайловларда кузатувчи сифатида иштирок этганман. Тан олиш керак, мамлакатингизда сайловда кузатувчилар учун барча имконият ва шарт-шароитлар яратилди. Ўзбекистонда парламент сайлови ошкора, демократик нормаларга мос ўтди. Тошкент шаҳри ва вилоятидаги ўн бешга яқин сайлов участкасида бўлиб, сайлов жараёнларини диққат билан кузатдим. Юксак савияда жиҳозланган сайлов участкалари менда ҳавас уйғотди. Сайлов жараёнларида ҳеч қандай камчилик кўрмадим.

Номзодлар етарли миқдорда овоз тўплай олмаган сайлов округларида қайта овоз бериш ўтказилиши халқаро андозаларга тўлиқ мос келиши баробарида Ўзбекистон сайлов тизимининг нечоғли ишончли, тўғри ва одилона ишлаб чиқилганидан далолатдир.

**Сафо Маҳмуд АЛ-ЖАНАБИЙ, "Orient Consulting & Legal Translation" компанияси бош директори (Бирлашган Араб Амирликлари):**

— Демократиянинг муҳим институти бўлган сайлов халқнинг ўз хоҳиш-иродасини эркин билдириши, сиёсий ҳаётда, жамият ва давлат бошқарувида фаол иштирок этишининг асосий воситасидир. Сайлов куни бир нечта участкаларда бўлдим. Мамлакатингиз парламентига сайлов уюшқоқлик билан ўтказилди. Бунга ҳар бир сайлов участкасида гувоҳ бўлиш мумкин эди.

Сайловчилар эркин, яширин равишда овоз берди. Шуни алоҳида таъкидламоқ жоизки, мамлакатингизда сайловнинг кўппартиявийлик, муқобиллик асосида ўтгани, ҳар бир фуқаронинг тўғридан-тўғри овоз бериши унинг демократик тамойилларга, халқаро нормаларга мослигидан далолат.

**Пак Му-ЖОНГ, "Korea Times" газетаси президенти (Корея):**

— Номзодлар етарлича овоз тўплай олмаган баъзи сайлов округларида яқин кунларда қайта овоз бериш ўтказилиши Ўзбекистон сайлов тизимининг энг демократик жиҳатларидандир.

Ўзбекистон Республикасининг сайлов қонунчилиги билан чуқур танишдим. У ҳар томонлама мукаммал ва халқаро андозаларга тўлиқ жавоб беради. Ҳуқуқий замини мустаҳкам бўлгани учун ҳам Ўзбекистон Олий Мажлиси Қонунчилик палатасига сайлов юқори савияда, қонунийлик, кўппартиявийлик, муқобиллик ва адолат асосида ўтди. Кўплаб участкаларда бўлиб, бунга шахсан тўла ишонч ҳосил қилдим.

Сайловчилар фуқаро сифатида ўз ҳуқуқини эркин амалга оширди. Бу жараёнда уларга ташқаридан таъсир қилиш, аралашиш ҳолатлари умуман кузатилмади. Депутатликка номзодлар орасида хотин-қизлар вакилаларининг кўплиги ҳам Ўзбекистонда қарор топган демократиянинг энг гуманистик жиҳатларидандир.

*(Давоми 2-бетда).*

# ИСТИҚБОЛИМИЗ ЙЎЛИДАГИ МУҲИМ ҚАДАМ

**Очиқлик, ошкоралик, холислик — демократиянинг ушбу асосий тамойиллари бутун сайлов кампанияси давомида таъминланганлиги, ўз навбатида, сайловларнинг ҳам фаол ва эркин бўлиб ўтишига замин яратди.**

Илгари хабар қилинганидек, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ҳамда маҳаллий Кенгашларга бўлиб ўтган сайловда 15 миллион 108 950 нафар сайловчи иштирок этди. Бу эса 8447 та сайлов участкаси бўйича рўйхатга олинган сайловчилар умумий сонининг 87,8 фоизини ташкил қилади.

Тошкент шаҳрида 653 та сайлов участкаси ягона равишда парламент қуйи палатасига сайлов ўтказувчи 12 та округ ҳамда халқ депутатлари Тошкент шаҳар Кенгашига сайлов ўтказувчи 60 та округ қамровида хизмат қилди. Шуни таъкидлаш лозимки, сайлов участкалари аҳолига, хусусан сайловчиларга қулайлик яратиш мақсадида турар жой мавзелари, маҳалла ҳудудларида жойлашган таълим ва соғлиқни сақлаш муассасалари, корхона ва ташкилотлар, шунингдек ўзини ўзи бошқариш органлари қошидаги гузарларда ташкил этилди. Кўпчилик фикридан келиб чиққан ҳолда, жумладан, халқаро кузатувчиларнинг эътирофи билан алоҳида айтиб ўтиш жоизки, ташкилий жиҳатдан участка сайлов комиссиялари ушбу муҳим ижтимоий-сиёсий тадбирга юқори савияда тайёргарлик кўрди.

*(Давоми 2-бетда).*

## XXI аср садоси

БАРЧА МАНБАЛАРДАН ОЛИНГАН СЎНГГИ ХАБАРЛАР

### МАМЛАКАТИМИЗДА

**● Марғилон шаҳридаги «Маориф» маҳалла фуқаролар йиғини ҳудудида икки қаватли замонавий поликлиника қурилиб, фойдаланишга топширилди. Лойиҳа қиймати 425 миллион сўмлик ушбу тиббиёт маскани Олтиариқ туманидаги 1-кўчма механизациялашган жамланма қурувчилари томонидан бунёд этилди ҳамда замонавий тиббий жиҳозлар ва ускуналар билан тўлиқ таъминланди.**

**● Сирдарё вилояти кўзи ожизлар кутубхонаси учун алоҳида бино ажратилди. Бу ерда китобхонлар учун барча шарт-шароит ва имкониятлар тўлиқ яратилган. Кутубхона китобларининг умумий сони эса 15 мингтадан ошиқ. Шундай кутубхоналар Гулистон ва Боёвут туманларида ҳам фаолият кўрсатмоқда.**

**● А.Навоий номли тил ва адабиёт институтида Муҳаммад Ризо Огаҳий таваллудининг 200 йиллигига бағишланган илмий-амалий анжуман бўлиб ўтди.**

**● Бўлғуси касб соҳибларида етакчилик сифатларини шакллантириш муҳим вазифадир. Айнан шу мақсадда Гулистон Давлат университетида «Камолот» ЁИҲ иштирокида етакчилар мактаби ташкил этилди.**

**● Жиззах вилояти Фориш туманидаги «Худойберди ота таъмир» хусусий корхонаси раҳбари П.Аннақулов Қорабдол қишлоғида замонавий сервис марказини ишга туширди. 60 миллион сўм маблағ ҳисобига барпо этилган ушбу марказ таркибида савдо ва енгил автомобилларга хизмат кўрсатиш шохобчалари ҳамда «Миллий таомлар» ошхонаси мавжуд. Марказнинг фаолият бошлаши билан 18 нафар йигит-қиз иш ўринларига эга бўлди.**

**● Тошкентда истеъмолчиларга 2010 йилда озиқ-овқат, енгил саноат маҳсулотлари ва ноозиқ-овқат товарларини етказиб бериш бўйича улгуржи савдо ярмаркаси ниҳоясига етди. Анъанавий ярмарка давомида истеъмолчиларга юқорида қайд этилган маҳсулот ва товарларни етказиб бериш юзасидан мингга яқин шартномалар имзоланди.**

**● «Камолот» ЁИҲ Андижон вилояти Кенгаши ташаббуси билан Бўз туманида аёллар ўртасида «Соғлом оила—юрт келажаги» мавзуида спорт мусобақалари ўтказилди.**

### ЖАҲОНДА

**● Жанубий Корея ва Бирлашган Араб Амирликлари ўртасида атом электр станцияси қуриш бўйича шартнома имзоланди. Қиймати 20,4 миллиард АҚШ долларига тенг бўлган мазкур келишувга асосан Корея электроэнергия корпорацияси 2020 йилга қадар Абу-Даби шаҳри яқинида тўртта энергоблокни ишга тушириши керак.**

**● Филиппиндаги бухтада иккита кеманинг ўзаро тўқнашиб кетиши натижасида 27 киши бедарак йўқолди.**

**● Жаҳон бозорида нефтнинг нархи яна сезиларли даражада ошди. Жумладан, Нью-Йоркдаги биржада ўтказилган сўнгги савдолар пайтида нефтнинг бир баррели 78,72 АҚШ доллари қийматида сотилган. Бунга сабаб Шимолий Америкада қаҳратон қиш ҳукм сураётганлиги туфайли энергия манбаларидан кенг кўламда фойдаланилаётганидир.**

**● Италиянинг Enel йирик энергетика компанияси атроф- муҳитга парник газларини чиқармайдиган водород электр станциясидан фойдаланишни бошлади. Жаҳонда ўхшаши йўқ мазкур электр станцияси Венеция атрофидаги Порто-Маргера саноат шаҳарчасида жойлашган. Янги станция томонидан ишлаб чиқариладиган электр энергияси 20 минг оила эҳтиёжларини қондириш учун етарлидир.**

**● Халқаро фуқаро авиацияси ташкилоти (ICAO) тарқатган маълумотга кўра 2009 йилда жаҳон авиакомпаниялари ўтган йилдагига нисбатан 3,9 фоиз кам йўловчига хизмат кўрсатган. Ҳисоб-китобларга кўра глобал молиявий-иқтисодий инқироз авиация соҳасига 11 миллиард АҚШ доллари миқдорида зарар етказган.**

**● КХДРнинг Кэсон саноат мажмуасида Жанубий Корея томонидан Пхеньянга 500 минг дозада гриппга қарши препаратларни топшириш маросими бўлиб ўтди.**

# ЯНГИ ЙИЛ ШОДИЁНАЛАРИ

**Янги йил — беғубор орзу-умидлар, эзгу ниятлар айёми. Ушбу байрам барчага, айниқса кичкинтойлар учун чексиз қувонч ва шодлик бағишлайди. Шу кунларда пойтахтимизнинг бош майдони – Мустақиллик майдонида улкан арча қад ростлаб, болажонлар учун байрам тадбирлари бошланди.**







Мусиқали-театрлаштирилган байрам тадбирлари Тошкент шаҳар ҳокимлиги, “Ўзбекнаво” эстрада бирлашмаси, Тошкент шаҳар халқ таълими бош бошқармаси, “Ўзбектеатр” ижодий-ишлаб чиқариш бирлашмаси ва бир қатор ижодий ташкилотлар ҳамкорлигида ташкил этилди.

Президентимиз Ислом Каримов раҳнамолигида барча соҳаларда изчиллик билан амалга оширилаётган ислоҳотларда ўғил-қизларнинг ижодий-интеллектуал салоҳиятини рўёбга чиқариш, таълим сифати ва мазмунини янада юксак босқичга олиб чиқиш, ёшларни янги жамият барпо этиш, Ватанимиз келажаги учун масъулиятни ўз зиммасига олишга қодир бўлган том маънодаги ҳал қилувчи кучга айлантиришдек эзгу мақсадлар ўзининг ёрқин ифодасини топгани билан аҳамиятлидир.

Давлатимиз раҳбари ташаббуси билан юртимизда қад ростлаётган жаҳон андозалари даражасидаги таълим-тарбия, спорт-соғломлаштириш, маданият ва санъат, маънавият ва маърифат масканлари навқирон авлоднинг саломатлигини мустаҳкамлаш, уларни ҳар томонлама баркамол, мустақил фикрга эга инсонлар сифатида вояга етказишга хизмат қилмоқда. Юртимизда барча жабҳаларда кечаётган ижобий ўзгаришлар ёшлар маънавиятининг юксалиши, улар онгу-тафаккурининг янада бойиши, жамиятимизнинг фаол аъзоларига айланишида алоҳида аҳамият касб этмоқда. Давлатимиз раҳбари ташаббуси билан кириб келаётган 2010 йил «Баркамол авлод йили» деб эълон қилиниши бу йўналишдаги ибратли ишларни янги, янада юксак босқичга кўтариши шубҳасиз.

Мустақиллик майдони шу кунларда янада кўркам, файзли кўриниш олган. Камалак ранг чироқлар, турли ўйинчоғу безаклар, эртак қаҳрамонлари ҳатто катталарни ҳам болаликнинг беғубор, самимий ва сеҳрли оламига ошно этиши шубҳасиз. Тадбирда Қорбобо ва Қорқиз, турли эртаклар қаҳрамонлари иштирокида театрлаштирилган томошалар, кичкинтойларга тайёрланган совғалар, таниқли санъаткорлар, ижрочи ёшлар, цирк усталари, бадиий ҳаваскорлик жамоалари иштирокидаги концертлар байрамга янада кўтаринки руҳ бағишламоқда.

Шу ернинг ўзида турли аттракционлар, мактаб ўқувчилари учун интеллектуал ўйинлар, қизиқарли кўрик-танловлар, ижодий беллашувлар, викториналар ўтказилмоқда. Болалар адабиёти, ўқув воситалари, турли ўйинчоқлар, ширинликлардан иборат байрам совғалари савдоси одамлар билан янада гавжум.

— Янги йил барчанинг энг севимли байрамларидан, — дейди Тошкентдаги 313-умумий ўрта таълим мактаби ўқитувчиси Наргиза Исломова. — Ўтаётган йилда мактабимиз капитал реконструкция қилинди. Янада чирой очган мактабимизда болаларнинг тўлақонли билим ва тарбия олишлари, ўз қизиқиши бўйича турли фан, бадиий ижод, спорт тўгаракларига қатнаши учун барча шароит яратилган. Булар ёшлар камолоти йўлида давлатимиз раҳбари томонидан кўрсатилаётган ғамхўрликнинг амалдаги намунасидир.

**ЎзА**

# ИСТИҚБОЛИМИЗ ЙЎЛИДАГИ МУҲИМ ҚАДАМ

***(Давоми. Боши 1-бетда).***

Сайловчиларнинг овоз бериш жараёнида фаоллиги кун давомида сезиларли кечди. Шу билан бирга айниқса эрта тонг соат олтига қадар ўз сайлов участкалари томон катта авлод вакиллари қаторида ёшларимиз ҳам ўз фуқаролик бурчларини адо этишга ошиқаётганларининг гувоҳи бўлдик.

— Давлатимиз, жамиятимиз ҳаётидаги бундай сиёсий тадбирда қатнашиш мен учун ўта муҳим аҳамият касб этади, — дейди Тошкент Давлат шарқшунослик институти иккинчи курс талабаси Мурод Ғаниев. — Мақсадим — сиёсатшунос бўлиш, демак, сайлов менинг назарий билимларимни амалиётда синаб кўришим учун ўзига хос сиёсий майдон вазифасини ўтади. Менинг овозим нафақат у ёки бу сиёсий партия манфаати учун, балки авваламбор юртим келажаги учун ҳал қилувчи омил сифатида қабул қилинаётгани, албатта фахр ва ғурур ҳиссини уйғотади. Сайлов кампанияси давомида илк марта сиёсий жараёнда қатнашаётган биз, ёшлар учун шаҳар сайлов комиссияси томонидан сайланаётган субъектларнинг таклифига биноан тўртта сиёсий партиянинг шаҳар кенгашлари раҳбарлари билан учрашув ташкил этилгани шахсан менда катта таассурот қолдирди ва аввалдан ким учун ва нима учун овоз беришни танлашда туртки бўлди. 97-сайлов участкасига ташриф буюриб, иккиланмасдан аниқ номзодга овоз бердим. Ишончим комилки, бу инсон депутат бўлишга лойиқ ва албатта ҳаётимиз фаровонлиги йўлидаги ўз саъй-ҳаракатларида қатъиятли бўлади.

— Мен ҳам овоз беришда номзоднинг шахсий фазилатларига алоҳида эътибор қаратдим, — таъкидлаб ўтди Тошкент Молия институти талабаси Шаҳноза Бодирова. — Кейинги йилларда мамлакатимизда барча жабҳалар қаторида банк тизимида ҳам чуқур ислоҳотлар амалга оширилди. Яхши маълумки, молия тузилмалари иқтисодиётнинг муҳим бўғинларидан биридир. Ўқиш давомида бу борада кўп янгиликларни кашф этаётирмиз. Истардимки, банк муассасалари фақат ва фақат мижоз манфаатини кўзлаб хизмат қилса, миллий иқтисодиётимиз янада юксалиб бораверади...

Сайлов участкалари саломатлиги туфайли шифохоналарда даволанаётган фуқаролар учун ҳам ташкил этилди. Хусусан, 413-участка сайлов комиссияси раиси Ҳилола Пўлатованинг ахборотига кўра, Республика шошилинч тиббий ёрдам кўрсатиш илмий маркази бўйича сайлов кунига қадар рўйхатга олинган 300дан зиёд фуқаро ўз конституциявий ҳуқуқидан фойдаланиши учун зарур шароитлар яратилди, кўчма қутилар ҳамда овоз бериш хоналари шай қилинди, сайловчилар номзодларнинг дастурлари билан ҳам танишиш имкониятига эга бўлдилар.

— Жисмоний жиҳатдан имкониятлари вақтинча чекланган бўлса-да, — деди Ҳ. Пўлатова, — беморларимизнинг овоз бериш жараёнида фаол қатнашганликлари эътиборга лойиқдир. Фурсатдан фойдаланиб, уларга мустаҳкам саломатлик тилаймиз ва бор кучимиз ва имкониятимизни сарфлаган ҳолда тез орада оилалари бағрига қайтишларига ҳаракат қиламиз.

493-сайлов участкасидаги сайловчилар рўйхатида Ғайнижамол Султsecurityнинг исми алоҳида эътиборни тортди. Пиру бадавлат онахон 106 ёшни қаршилаш арафасида. Шубҳасиз, бундай табаррук инсонларни сайлов куни ҳам эъзозлаш ва алоҳида эътибор қаратиш участка сайлов комиссиялари аъзоларининг зиммасида бўлди. «Камолон» маҳалласидаги Султоновлар хонадонига ташрифимиз чоғида шунча ёшга кириб, кўрган-кечирганларини яхши ёдга олаётган Ғайнижамол онахоннинг айниқса бугунги нурли, залворли кунлар ҳақида гапиришга ошиқаётганлари бизни ҳайратлантирди.

— Набираларимдан менга сайловда қатнашиш учун имконият яратиб беришларини сўрадим, — дейди онахон. — Айнан Истиқлол йиллари кучимга куч, қувватимга қувват бахш этиб, доимо меҳнатда бўлганим боис ҳаётимни анча-мунча узайтиришга имкон яратди. Узоқ умр кўришнинг эса сири бўлмайди, назаримда... Мен бир асрдан кўп даврдаги воқеалар гувоҳиман. Демак, мана шундай бaралла, ҳеч қандай ясама сўзларсиз гапиришга ҳаққим бор. Давлатимизни қанча-қанча раҳбарлар бошқарди... Деярли йигирма йилдан буён Юртбошимиз тарихнинг қийин бир дамларида жасорат кўрсатиб, 25 миллионлик халқимизга мустақил ҳаёт йўлида сарбонлик қилмоқда. Фақат Президентимиз саъй-ҳаракатлари билан бугунги шукуҳли кунлардан баҳраманд бўлаётирмиз. Қарияларга қандай эътибор берилаётир! Бу йил мен юксак давлат мукофотига сазовор бўлдим. Бунга жавобан нима учун жамиятимиз равнақи йўлида муҳим бўлган сайловда қатнашмаслигим керак! Қатнашишим лозим ва шундай қилдим ҳам. Ниятим — сайланган депутатлар Юртбошимиз ёнида камарбаста бўлиб, ҳаётимиз бунданда фаровон бўлишига хизмат қилсинлар. Барчага Янги йил арафасида мен каби узоқ ҳамда мазмунли умр кўришларини тилаб қоламан.

«Қорасув» маҳалласида истиқомат қилувчи Тўлқин ота Замонбоев Янги йил кириб келиши билан саксон ёшга тўлади. Саломатлиги туфайли ўзгалар таянчига муҳтож бўлишига қарамасдан, бу инсон ҳам телефон орқали 186-участка сайлов комиссияси аъзоларидан кўчма қути билан уйига келиб-кетишни илтимос қилди.

— Меҳнат фаолиятимни «Тошқишлоқмаш» корхонасида чилангар сифатида бошлаганман. Кейинчалик узоқ йиллар давомида пойтахтимиздаги кўплаб йирик ижтимоий иншоотлар қурилишида қатнашдим, — дейди Тўлқин ота. — Афсуски, кўриш қобилиятимнинг пасайиши жамиятда фаол тарзда фаолият кўрсатиш борасидаги имкониятимни анча чеклади. Оила аъзоларим ҳамда радио менинг том маънода кўз қорачиғимга айланган. Айнан радио тўлқинлари орқали сайлов ҳақида маълумотга эга бўлдим, сиёсий партиялар, депутатликка номзодларнинг дастурлари билан таниша олдим. Ишончим комилки, муносибларни танлаш борасида менинг нуқтаи назарим ўз ифодасини топади...

Халқ депутатлари Тошкент шаҳар Кенгашига сайлов ўтказувчи шаҳар сайлов комиссиясининг **КЕЧА** бўлиб ўтган навбатдаги йиғилишида пойтахтимиз бўйича дастлабки сайлов натижалари эълон қилинди. Таъкидланганидек, барча сайлов участкаларида овоз бериш жараёнлари очиқ, ошкора ва шаффоф тарзда, қонунчиликка тўлиқ риоя этилган ҳолда ўтди. Сайловда рўйхатга олинган сайловчиларнинг 81,9 фоизи қатнашди.

**Ильмира ЗАЙНУТДИНОВА**

# УМУМЭЪТИРОФ ЭТИЛГАН ХАЛҚАРО НОРМАЛАРНИНГ АМАЛДАГИ ИФОДАСИ

***(Давоми. Боши 1-бетда).***

**Олег КУЛЕБА, МДҲ Ижроия қўмитаси маслаҳатчиси:**

— Ўзбекистон Олий Мажлиси Қонунчилик палатасига сайлов жараёнлари халқаро демократик тамойиллар асосида ташкил этилгани ва сайловларда илк овоз берувчилар учун ҳам халқаро стандартлар асосида шароитлар яратилганини алоҳида таъкидламоқчиман. Сайлов участкалари барча техник ва алоқа воситалари билан тўлиқ таъминланган. Бир сўз билан айтганда, сайловга ҳар томонлама пухта тайёргарлик кўрилган. Бу мазкур сиёсий жараённинг юқори савияда ўтишини таъминлади.

Халқаро кузатувчи сифатида шуни айтишим мумкинки, Ўзбекистоннинг сайловни ўтказиш ва уни ташкил этишда ўзига хос йўналиши мавжуд. Фуқароларнинг овоз бериш жараёнидаги фаол иштироки ҳам диққатга сазовор.

Сайлов куни баъзи округларда кўрсатилган номзодлар етарлича овоз тўплай олмади. Шу боис ўша округларда қайта овоз бериш ўтказилади. Бу жараён нафақат демократик тамойилларга тўлиқ мос келади, балки Ўзбекистонда сайлов тизими адолатли ва мукаммал ишлаб чиқилганидан далолат беради.

**Муҳаммад Талха Маҳмуд АРЬЯН, Покистон Сенати ички ишлар бўйича қўмитаси раиси:**

— Қирққа яқин сайлов округида депутатликка номзодлар етарлича овоз тўплай олмагани туфайли яқин кунларда ана шу сайлов округларида қайта овоз беришни ўтказиш режалаштирилган. Бу мамлакатингиз сайлов тизимининг барча халқаро нормалар — демократия, очиқлик ва ошкоралик, кўппартиявийлик, адолатлилик тамойилларига тўлиқ мос келишининг ёрқин намунасидир.

Марказий сайлов комиссияси ўз ишини жуда пухта ва изчил олиб борганини алоҳида қайд этмоқчиман. Бу борада ўзбекистонлик мутахассислар катта тажрибага эга эканига яна бир бор амин бўлдим. Мамлакатингизга сафарим давомида нафақат сайлов жараёнларини бевосита кузатиш, балки Ўзбекистон сайлов тизимини чуқур ўрганиш, фикр-мулоҳаза алмашиш имконига ҳам эга бўлганимдан мамнунман.

**Аржун АМЛА, туризм бўйича мутахассис (Ҳиндистон):**

— 27 декабрь куни ўтган сайловда кузатувчи сифатидаги иштироким халқингизнинг ижтимоий-сиёсий ҳаёти, маданияти ҳақидаги таассуротларимни янада бойитди. Ўнлаб сайлов участкаларига бориб, амалга оширилган ишлар билан яқиндан танишдим. Юртингизнинг барча ҳудудларида сайловга қизғин ҳозирлик кўрилгани ва тадбир юқори савияда ўтганига гувоҳ бўлдим. Халқингиз кўтаринки кайфиятда, ташаббускорлик руҳида сайловда иштирок этди. Овоз бериш жараёнида тенглик, адолатлилик, ҳаққонийлик принципларига тўла амал қилинди.

Ўзбекистонда хорижий сайёҳлар учун кенг имкониятлар яратилган. Жорий йилда Ҳиндистондан тўрт мингдан ортиқ сайёҳ Ўзбекистонни зиёрат қилишга муваффақ бўлгани бунинг исботидир. Биз бундай алоқаларни янада кенгайтириш ниятидамиз. Зеро, ўзбек ва ҳинд халқлари бир-бирининг маданиятини, қадриятларини яхши тушунади ва эъзозлайди.

**Томаш МАДЯРИЧ, “Ситна холдинг” компанияси бошқаруви аъзоси (Словакия):**

— Тошкент шаҳридаги кўплаб сайлов участкасида бўлдим. Тан олиш керакки, сайловга тайёргарлик ишлари юксак даражада ташкил этилган. Сайлов жараёнларида ҳеч қандай қонунбузарликка йўл қўйилмади, деб қатъий айтишим мумкин.

Марказий сайлов комиссияси томонидан депутатликка номзодларнинг ҳар бири учун тенг шароит яратилгани, сайлов участкаларида юзлаб маҳаллий ва хорижий кузатувчилар иштирок этгани сайловнинг халқаро ва миллий қонунчилик талабларига мувофиқ равишда, очиқ-ошкора, холислик ва ҳаққонийлик асосида ўтганидан далолат беради. Сайлов жараёнини ёритишда мамлакатингиз ва чет эл оммавий ахборот воситаларининг 630 дан ортиқ вакили қатнашгани ҳам бу фикримни тўла тасдиқлайди.

**Салоҳ СУЛТОН, Осиё ислом қўмитаси котиби (Кувайт):**

— Қашқадарё вилоятининг бир нечта сайлов участкаларида бўлиб, Ўзбекистон Республикаси парламентига сайловга тайёргарлик ва овоз бериш жараёнларини диққат билан кузатдим. Фуқаролар сайлов тўғрисидаги қонунчиликдан, депутатликка номзодлар ҳақидаги маълумотлардан яхши хабардор. Сайлов участкаларида ҳам уларнинг таржимаи ҳоли, тарғибот-ташвиқот ишлари хусусида тўлиқ маълумотга эга бўлиш мумкин эди. Айрим округларда номзодларнинг етарлича овоз тўплай олмагани боис яқин кунларда қайта сайлов ўтказилишидан хабарим бор. Буларнинг барчаси сайловнинг демократик, очиқлик ҳамда ошкоралик тамойилларига мувофиқ ўтганидан далолатдир.

Ўзбекистон парламентига сайлов жараёни қирққа яқин давлатдан ва кўплаб халқаро ташкилотлар миссияларидан юзлаб кузатувчилар, шунингдек, депутатликка ўз номзодларини кўрсатган сиёсий партияларнинг минглаб кузатувчилари ҳамда ваколатли вакиллари томонидан синчиклаб кузатиб борилганлиги унинг очиқ ва ошкоралигини таъминлашга хизмат қилди.

Сайлов жараёнида партиялар ўртасида соғлом рақобат яққол сезилиб турди. Номзодлар ўртасидаги ўзига хос мусобақада айрим мамлакатларда сайлов жараёнида одат тусига кирган андишасизлик, урйиқит, ҳақоратлар каби ножўя ҳаракатлар кузатилмади. Менинг фикримча, Ўзбекистонда сайловнинг юксак муваффақият билан ўтганининг асосий омили — мамлакатингиздаги тинчлик ва осойишталикдир. Бу борада Ўзбекистон аҳлига ҳавас қилса арзийди.

Ҳар келганимда мамлакатингизда амалга оширилаётган улкан бунёдкорлик ва ободонлаштириш ишларидан чин дилдан қувонаман. Амир Темур хиёбони ҳамда “Ўзбекистон” халқаро анжуманлар саройи таровати ва маҳобатидан лол қолдим.

**Анатолий БЕЛОГУРОВ, МДҲ Ижроия қўмитаси раиси биринчи ўринбосарининг ёрдамчиси:**

— Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасига сайлов Ўзбекистон Республикаси Конституцияси, мамлакатда демократик сайловларни ўтказиш бўйича амалдаги сайлов қонунчилиги ва демократик нормаларга мувофиқ, эркин, ошкора ва транспарентлик асосида ўтказилди.

Сайловчилар овоз бериш жараёнида фаол иштирок этди. Парламент сайловида кўплаб халқаро кузатувчиларнинг қатнашгани ҳам мамлакатда демократияни мустаҳкамлаш борасида кенг кўламли ишлар амалга оширилаётганидан далолатдир. Ўзбекистон Республикасининг сайловга оид қонун ва бошқа ҳужжатлари халқаро меъёрларга тўлиқ мос келади, сайловчиларнинг конституциявий ҳуқуқлари ва жаҳон ҳамжамияти томонидан эътироф этилган демократик тамойилларни ўзида кенг ифода этади.

Сайловнинг кўппартиявийлик асосида ўтгани, барча партиялар вакилларига тенг ҳуқуқ берилиб, бир хил шароит яратилгани эътиборга молик.

**Яр Муҳаммад БАДИНИЙ, “Baluchistan today” журнали бош муҳаррири (Покистон):**

— Сайлов куни мен Хива шаҳридаги ўнга яқин сайлов участкасида бўлиб, овоз бериш жараёни билан танишдим. Кузатишларимга биноан сайлов демократик тамойилларга, халқаро талабларга мувофиқ ўтди, дейиш учун тўла асос бор. Бу Марказий сайлов комиссияси, округ ва участка сайлов комиссияларининг қонунийлик, ошкоралик, мустақиллик ва адолатлилик тамойилларига асосланган аниқ, уюшган фаолияти орқали таъминланди.

Ҳар қадамда — идоралар ва муассасалар, кўча-кўй, аҳоли гавжум масканларда депутатликка номзодларнинг таржимаи ҳоли, сайловолди дастурлари ҳақидаги плакатлар ва буклетларни учратиш мумкин. Оммавий ахборот воситаларининг сайлов кампаниясини холислик ва тезкорлик билан ёритиб борганини алоҳида таъкидлаш жоиз. Сайлов участкалари юксак савияда жиҳозлангани, сайловчиларнинг эркин ва фаол овоз бериши учун барча шароит яратилгани эътиборга лойиқдир.

Баъзи сайлов округларида номзодлар етарлича овоз тўплай олмагани ҳам демократик сайловларга хос табиий ҳол. Бу жамоатчилик ва халқаро ҳамжамиятда Ўзбекистоннинг сайлов тизимига ва қонунчилигига бўлган ишончни янада мустаҳкамлашга катта хизмат қилади.

Мамлакатингиз парламентига ўтган ушбу сайлов Ўзбекистонда кўппартиявийлик тизимининг ривожланиши ва мустаҳкамланишига, Қонунчилик палатасида сиёсий партиялар ролининг янада кучайишига катта таъсир кўрсатади. Партияларнинг фаоллиги ва партиялараро рақобат даражаси ошади. Бу Ўзбекистонда демократиянинг янада мустаҳкамланишига хизмат қилади.

**ЎзА мухбирлари**
**Ирода УМАРОВА,**
**Мадина УМАРОВА,**
**Нодира МАНЗУРОВА,**
**Баҳор ХИДИРОВА**
**ёзиб олди.**



Байрам дастурхонига

# БИРИ БИРИДАН ТОТЛИ

**Янги йил эшик қоқар экан, айни пайтда байрамни файзли дастурхон атрофида яхши ниятлар билан кутиб олиш барчанинг эзгу ниятига айланган.**

Албатта, Янги йил дастурхонига барча нозу неъматларни қўяр эканмиз, бири биридан чиройли, тотли ширинликларни ҳам эсдан чиқармаймиз. Чунки бундай маҳсулотларни нафақат кичкинтойлар, балки катталар ҳам севиб истеъмол қилишади. Шу боис ҳам байрам совғалари ширинликларга бой бўлади.

Ана шуни назарда тутган «FAYZ DEKOR BISNES» қўшма корхонаси қандолатчилари байрам арафасида қўли-қўлига тегмай меҳнат қилишмоқда. Уларнинг асл мақсади аҳоли дастурхонини юқори дизайндаги, сифатли ширинликлар билан таъминлаш, байрамнинг шодликларга тўла бўлишига муносиб ҳисса қўшишдир.

— Корхонамиз 2008 йилда ташкил этилган бўлса-да, — дейди корхонанинг тижорат ишлари бўйича директори Миромил Эргашев, — қисқа вақт ичида ички ҳамда ташқи бозорда ўз ўрнимизни топиб боряпмиз. Маҳсулотларимиз турларини эса бозор ва харидор талабидан келиб чиққан ҳолда кўпайтирамиз. Корхонамиз цехларига замонавий дастгоҳлар ўрнатилган бўлиб, Туркия, Германия, Италия ва бошқа давлатлар технологияларидан фойдаланган ҳолда импорт ўрнини босувчи қандолат маҳсулотлари ишлаб чиқармоқдамиз. Шуни алоҳида таъкидлаш лозимки, бугунги кунда маҳсулотларимиз нафақат мамлакатимизда, балки қўшни Қозоғистон, Туркманистон, Қирғизистон давлатларида ҳам харидоргир бўлиб бормоқда. Бу ютуқларга биз ҳамкорларимиз билан алоқаларни мустаҳкамлаш, илғор технологияларни унумли қўллаш, мустақил юртимизда тадбиркорлар учун яратилган имкониятлардан оқилона фойдаланиш эвазига эришяпмиз.

Корхонанинг замонавий технологиялар асосида ишлаб чиқарилаётган «Королевский шарм», «Золотой сундучок», «Файз», «Люкс», «Премиум» ва бошқа номдаги шоколад-конфетлари харидоргирлиги билан ажралиб туради. Шунингдек, чиройли қутиларда қадоқланган турли хил шоколадлар ўзига хос таъм ва кўринишга эга. Бу борада эса корхонада меҳнат қилаётган 35 нафардан зиёд малакали қандолатчиларнинг меҳнатини алоҳида таъкидлаш лозим. Янги йил арафасида тадбиркорлар томонидан тайёрланган янги маҳсулот — 100 граммли плиткали шоколадлар истеъмолчиларга ажойиб совға бўлди.

2010 йилда корхона аҳлининг режалари бисёр. Улар Германия давлатидан янги дастгоҳлар келтириш, ўнлаб янги маҳсулот турларини ишлаб чиқаришга жорий этишни кўзда тутишган. Улар маҳсулотлари рақобатбардошлигини ошириб, келгусида Россия, Украина ҳамда Болтиқбўйи давлатлари бозорларида ҳам муносиб ўрин эгаллаш, экспорт ҳажмини оширишни режалаштиришмоқда. Албатта, саъй-ҳаракатлар шундай давом этар экан, уларнинг интилишлари ўз самарасини беради. Бежизга «Интилганга толе ёр» дейилмайди-ку.

**Шарифа ИЛЁСОВА**

**СУРАТДА: корхона қандолатчилари Янги йил дастурхонига тотли маҳсулотлари билан файз бағишлашади.**

**Козим Ўлмасов олган сурат**

Ўтаётган йил қувончлари

# УМИДИМИЗ КАТТА

**Шавкат Халилов, «Ташаббус—2009» кўрик-танлови ғолиби, «MET FUR SERVIS» масъулияти чекланган жамияти раҳбари:**

— Ўтаётган йилни кузатиб, Янги йилни кутиб олар эканмиз, ортга назар солмай, бажарган ишларимизни сарҳисоб қилмай иложимиз йўқ, албатта. Бу, шубҳасиз, бизни янги ютуқларга, изланишларга ундайди, илҳомлантиради, эзгу ниятларни амалга оширишда руҳлантиради.

Кириб келаётган йилни корхонамиз аҳли ҳам ўзига хос ютуқлар билан кутиб олмоқда. Шуни алоҳида таъкидлаш ўринлики, фаолият бошлаганимизда корхонамизда 14 нафар ишчи меҳнат қилган бўлса, бугунга келиб, уларнинг сафи 90 нафардан ортиқни ташкил этмоқда. Хориждан янги технологик линиялар олиб келиб цехларимизни кенгайтирдик. Чунки бозор иқтисодиёти шароитида, албатта илғор технологиялардан, замонавий технологик дастгоҳ ва ускуналардан фойдаланмай талаблар даражасидаги маҳсулот ишлаб чиқариш, бозорда ўрин эгаллаш, буюртмачилар сафини ошириш жуда мушкул. Бугунги кунда ҳам маҳсулотларимиз турини кўпайтириш мақсадида Жанубий Корея ва Хитойдан юксак унумли технологик линиялар келтиришга ҳаракат қиляпмиз. Асосий мақсадимиз маҳсулотларимизнинг сифат менежменти тизими ISO 9001-2000 халқаро стандарт талабларига жавоб беришига эришишдир.

Маҳсулотларимиз турлари ҳозирда 250 хилдан ортиб кетди. Ишлаб чиқарилаётган фурнитура ашёлари ва автомобиллар учун бутловчи қисмлар сифатига алоҳида эътибор қаратилаётгани боис ҳам буюртмалар кўпайиб, ишлаб чиқариш ҳажми ортмоқда. Ўтган йилда 1 миллиард 384 миллион сўмлик маҳсулот тайёрланган бўлса, жорий йилда ушбу рақамни салкам 2 бараварга оширишга эришдик. Шунингдек, халқаро андозаларга мос товарларни Россия, Руминия, Ҳиндистон сингари давлатларга экспорт қилишни режалаштирмоқдамиз.

Шуни алоҳида таъкидлаш ўринлики, автомобиллар учун бутловчи қисмлар тайёрлашда жамоамиз аҳли мамлакатимизда етакчилардан саналиб, маҳаллийлаштириш дастури асосида шундай маҳсулотлар турлари кўпайтирилмоқда. Бу эса маҳаллий автомобилсозларимизга қўл келмоқда. Муҳими эса четдан келтириладиган ана шундай бутловчи қисмлар билан бемалол рақобатлаша оладиган маҳсулотларимиз ҳам сифатли, ҳам бирмунча арзонлиги билан ажралиб туради.

2009 йил мен ва жамоам учун қутлуғ келди. Президент соврини учун анъанавий тарзда ўтказиб келинаётган «Ташаббус» кўрик-танловининг пойтахт босқичида 1-ўринни қўлга киритиб, «Энг яхши тадбиркор» номига сазовор бўлдим. Танловнинг республика босқичида шаҳримиз шарафини ҳимоя қилиб «Энг мурувватли тадбиркор» номинацияси ғолиблигини қўлга киритдим.

Янги йилда истиқбол режаларимиз жуда кўп. Энг муҳими эса мамлакатимиз иқтисодиёти ривожини таъминлашга ҳисса қўшишдир.





2010 йил — Баркамол авлод йили

# ЁШ ИСТЕЪДОДЛАР МАСКАНИ

**Юртимиз таянчи ва келажаги бўлган ёшларнинг ҳар томонлама комил, маънан юксак, жисмонан бақувват, билимли, мард ва жасур бўлиб вояга етиши йўлида мамлакатимизда олиб борилаётган саъй-ҳаракатлар диққатга сазовор бўлаётир. Айниқса, 2010 йилнинг «Баркамол авлод» йили деб номланиши замирида ҳам ўғил-қизларимизнинг келажаги ҳақида ғамхўрлик мужассам эканлигидан қалбимиз фахрга тўлади.**

Президентимиз Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганининг 17 йиллигига бағишланган тантанали йиғилишдаги маърузаларида ҳам «... биз юртимизнинг эртанги ривожи йўлида қандай чуқур ўйланган дастурларни тузмайлик, бу режаларни бажариш учун қандай моддий база ва имкониятларни яратмайлик, бунинг учун қанча кўп сармоя сафарбар этмайлик, уларнинг барчасини амалга оширадиган, рўёбга чиқарадиган қудратли бир омил борки, у ҳам бўлса, юқори малакали иш кучи ва юртимизнинг эртанги куни, тараққиёти учун масъулиятни ўз зиммасига олишга қодир бўлган етук мутахассис ёшларимиз, десак, ўйлайманки ҳеч қандай хато бўлмайди», дея таъкидлаган эдилар.

Дарҳақиқат, бугунги кунда ёшларимизнинг маънавий-ахлоқий камолотига давлат даражасида эътибор қаратилмоқда. Шу ўринда айтиш жоизки, ёшларнинг маънавий-ахлоқий тарбиясида театр ва кино санъатлари ва бадиий таълимнинг ўрни беқиёсдир. Бу санъатларни ривожлантириш ва уларни юқори малакали кадрлар билан таъминлаш вазифаси Ўзбекистон Давлат санъат институти зиммасига юклатилган. Мазкур олий ўқув юрти ана шу шарафли вазифани 60 йилдан буён бажариб келяпти.

— Ўзбекистон Давлат санъат институти дастлаб Тошкент Давлат театр санъати институти сифатида 1945 йилда ташкил этилган, — дейди биз билан суҳбатда мазкур институтнинг ректори, фалсафа фанлари доктори, профессор Усмон Қорабоев. — Кейинчалик институт кенгайиб, унда янги бўлим ва факультетлар ташкил этилган. 1954 йилда рассомлик факультети очилгани сабабли, олий ўқув юрти Тошкент театр ва рассомлик институти деб юритила бошланди. Мустақиллигимиз арафаси ва унинг дастлабки йилларида янги мутахассисликлар очилишига имконият туғилиб, 1989 йилда телевидение ва радио режиссёрлиги бўлимлари ташкил этилган. Шу сабабли институт 1991 йилдан Маннон Уйғур номидаги Тошкент Давлат санъат институти деб атала бошланди.

Шуни таъкидлаш кераккки, 2005 йилда Санъат институти тарихида янги саҳифа очилди. Ўзининг 60 йиллиги нишонланадиган йилда Президентимиз Қарорига биноан таълим маскани Мироншоҳ кўчасидаги замонавий, муҳташам ва кўркам бинога кўчиб ўтди. Институт жаҳон талаблари даражасидаги таълим воситалари, ускуналар ҳамда янги мебель ва замонавий аппаратура билан жиҳозланиб, унда юксак малакали кадрлар тайёрлаш учун барча шароитлар яратилди. Институтнинг театр, эстрада, кино, теле-радио ва санъатшунослик (театршунослик, санъатшунослик-журналистикаси, саҳна ва экран драматургияси) йўналишлари бўйича олий малакали мутахассислар тайёрловчи асосий таълим муассасаси сифатидаги нуфузини янада ошириш мақсадида унга Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2007 йилдаги Қарорига асосан Ўзбекистон Давлат санъат институти номи берилди.

Ўтган йиллар давомида институт ўз тарихига зарҳал ҳарфлар билан ёзиб қўйишга арзигулик шарафли ишларни амалга оширди. Олий ўқув юртида юқори малакали, ўз касбининг устаси, фидойи инсонлар фаолият кўрсатишди. Улар яратган мактаб ва мерос бизнинг ҳамда келажак авлоднинг таянчи бўлиб қолади.Маданиятимиз ва санъатимиз жонкуярларининг саъй-ҳаракатлари туфайли институтдан санъатимизни жаҳонга танитаётган санъаткор кадрлар етишиб чиқди. Шу даврларда шаклланган театр, кино санъати маданий-маънавий ҳаётимизда алоҳида ўрин тутиб келмоқда.

Бугунги кунда институт жамоаси миллий ва умуминсоний қадриятларни уйғунлаштириш натижасида нафақат республикада, балки жаҳондаги санъат олий ўқув юртлари ичида илғор бўлишга интилаётир. Шуни таъкидлаш жоизки, институт юртимиздаги олий ўқув юртлари ичида ўз ўрни, ижодий салоҳияти ва бетакрор хусусиятига эга. Ушбу даргоҳда юксак малакали профессорлар, доцентлар, халқ артистлари ва хизмат кўрсатган артистлар, умуман ўз соҳаси ва касбининг усталари ёшларга таълим бериб келмоқда. Институтда истеъдодли, иқтидорли ёшлар кўп. Талабаларнинг илмий-ижодий салоҳиятини ошириш борасида ҳам самарали ишлар олиб борилмоқда. Ҳар йили энг илғор талабалар Ўзбекистон Республикаси Президенти ва Давлат стипендияларига тавсия қилинади. Уч йилдан буён тўрт нафар талаба Навоий номидаги Давлат стипендияси, бир магистр Президент стипендияси соҳиби бўлди. Булардан ташқари талабалар яна бир қатор танловларда иштирок этиб, муносиб ўринларни эгаллаб келишмоқда.

Институтда талабаларни маънавий камол топтириш негизида уларга санъат таълимини бериш асосий вазифалардандир. Таълим масканининг ғояси ҳам талабани маънавий камол топтириш орқали уни етук санъаткорга айлантиришдан иборат. Зеро, санъат — бу маънавий қурол. Уни фақат эзгулик йўлида ишлатувчи инсон қўлига бериш керак. Агар ундан нияти бузуқ кимсалар фойдаланадиган бўлса, бу жамиятни ҳалокатга элтади. Шунинг учун санъат таълимида инсон омили биринчи ўринда туради. Шу боис талабалар тарбияси ва таълимига, айниқса илм ва ижодга салоҳияти бўлган талабаларга алоҳида эътибор қаратилган. Энг иқтидорли талабаларга 2-курс бакалаврдан бошлаб номзодлик диссертацияси учун мавзулар бериляпти ва етакчи профессорлар уларга илмий раҳбарлик қилишмоқда. Ана шундай талабалардан Р.Хидирова, Қ.Саъдуллаев магистратура босқичини тамомлабоқ номзодлик диссертацияларини тайёрлашга эришмоқдалар. Институт жамоасининг келгусидаги эзгу мақсадлари, режалари ҳам бисёр.Келажакда таълим масканида ўқиш-ўқитиш ишлари янада такомиллаштирилади. 2010-2015 йилларда олий таълим тизимида, жумладан ушбу институтда ҳам жиддий ўзгаришлар юз беради. Институт майдони кенгайтирилиб, турли мақсадларга йўналтирилган янги бинолар мажмуи вужудга келади. Ўқув жараёни янги, илғор ўқув-методик комплекс, электрон китоблар, мультимедиялар, илғор технологиялар билан таъминланади. Ўқув ва ижод хоналари кенгайтирилади ҳамда энг янги техника билан жиҳозланади.

Мана 2009 йил ҳам ниҳоясига етди, 2010 — Баркамол авлод йили ҳар биримизнинг қалбимизни эзгу мақсадлар сари чорламоқда. Янги йил барчамизга, айниқса ўсиб келаётган ёш авлодимизга бахт ва омад келтирсин.

**Дилором ИКРОМОВА**

**СУРАТЛАРДА: Ўзбекистон Давлат санъат институти фаолиятидан лавҳалар**

## Сўранг, жавоб берамиз

**Таълимнинг қандай турлари меҳнат стажига қўшиб ҳисобланади?**

**Г. Қодирова,**
**Юнусобод тумани**

Ўзбекистон Республикаси "Фуқароларнинг давлат пенсия таъминоти тўғрисида"ги қонуннинг 37- моддаси "е" бандига кўра, олий ва ўрта махсус ўқув муассасаларида, билим юртлари, кадрлар тайёрлаш, малака ошириш ва янги ихтисосни ўрганиш мактаблари ва курслари, аспирантура ва клиник ординатурада кундузги ўқиш, шу жумладан, чет элда ўқиш вақти иш стажига қўшиб ҳисобланади.

* * *

**Мен дўстимга катта миқдорда қарз бериб, тилхат олган эдим. Агар низо келиб чиқса, тилхат асосида пулимни қайтариб олишим мумкинми?**

**А. Давиров**
**Шайхонтоҳур тумани**

Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик Кодексининг 733-моддасига кўра, фуқаролар ўртасида қарз шартномаси, агар бу қарзнинг суммаси энг кам иш ҳақининг ўн бараваридан ортиқ бўлса, оддий ёзма шаклда тузилиши шарт қилиб белгиланган. Агар қарз олувчининг тилхати ёки унга қарз берувчи томонидан муайян миқдорда кўп ёки муайян миқдордаги ашёлар топширилганлигини тасдиқлайдиган бошқа ҳужжат мавжуд бўлса, қарз шартномаси ёзма шаклда тузилган ҳисобланади. Агар қарз мажбурияти қарз олувчи томонидан берилган вексель, облигация ёки қарз суммасини ва қарз берувчининг уни ундириб олиш ҳуқуқини белгилайдиган бошқа қимматли қоғоз билан тасдиқланган бўлса, қарз шартномасининг ёзма шаклига риоя қилинган ҳисобланади.

Низо келиб чиққан тақдирда, дўстингизнинг қарз олганлиги ҳақидаги тилхати ўрталарингизда қарз шартномаси тузилганлигини исботловчи далил сифатида аҳамиятли ҳисобланади.

**Лутфихон Аҳмедова,**
**Нодира Болтаходжаева,**
**Мирзо Улуғбек туман давлат нотариал идораси нотариуслари**

* * *

**2 нафар фарзандим туғма ногирон бўлиб, дунёга келишди. Ҳозир уларни иккинчи гуруҳ ногиронлигидан учинчи гуруҳга ўтказишмоқчи. Шу тўғрими?**

**Ҳ.Бобокулова,**
**Бектемир тумани**

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1994 йил 23 июндаги 317-сонли қарори билан тасдиқланган "Тиббий меҳнат экспертиза комиссияси (ТМЭК) тўғрисида"ги Низомнинг 45-бандига кўра, ногиронлик гуруҳини аниқлаш комиссиясининг хулосасидан норози бўлсангиз, ҳудудий бош экспертга ёки Ўзбекистон Республикаси Меҳнат ва аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш вазирлиги қошидаги тиббий экспертиза инспекциясига мурожаат қилишингиз мумкин. Шунингдек, мазкур масала юзасидан фуқаролик ишлари бўйича тегишли туманлараро судига ҳам мурожаат қилишга ҳақлисиз.

* * *

**Касбим ҳайдовчи. Аммо баъзи сабабларга кўра ҳозир ишсизман. Шу боис ижарага машина олиб ҳайдамоқчи эдим. Айтингчи, транспорт воситаларини ижарага олиш шартномаси қандай тузилади?**

**Б.Алиев,**
**С.Раҳимов тумани**

Транспорт воситаларини ижарага бериш шартномаси, унинг муддатидан қатъи назар, ёзма шаклда тузилиши керак. Бундай шартномага Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик Кодекси 539-моддасининг иккинчи қисмида назарда тутилган ижара шартномаларини рўйхатдан ўтказиш тўғрисидаги қоидалар қўлланмайди.

Қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда давлат рўйхатидан ўтказилиши лозим бўлган автотранспорт воситаларини ижарага бериш шартномаси нотариал тасдиқланган бўлиши керак.

**Валентина ОВСЯННИКОВА,**
**Ирина КОНДРАТЕНКО,**
**Юнусобод туман давлат нотариал идораси нотариуслари**

Хориждан келган тадбиркор билан ҳамкорлик қилиб юрардим. У менга турмушга чиқишимни таклиф этди. Чет эл фуқароси билан оилавий муносабатлардаги ҳуқуқ ва мажбуриятлар, амалга ошириладиган никоҳ ҳақида маълумот берсангиз.

**Ш.Юсупова,**
**Бектемир тумани**

Ўзбекистон Республикасида доимий яшаб турган чет эл фуқаролари ва фуқаролиги бўлмаган шахслар унинг ҳудудида оилавий муносабатларда Ўзбекистон Республикаси фуқаролари билан тенг ҳуқуқлардан фойдаланадилар ва тенг мажбуриятларга эга бўладилар.

Ўзбекистон Республикаси ҳудудидан ташқарида, бошқа давлат ҳудудида ўша давлатнинг қонун ҳужжатларига риоя қилинган ҳолда Ўзбекистон Республикаси фуқаролари ўртасида тузилган ҳамда Ўзбекистон Республикаси фуқаролари билан чет эл фуқаролари ёки фуқаролиги бўлмаган шахслар ўртасида тузилган никоҳлар, агар Оила Кодексининг 16-моддасида назарда тутилган никоҳ тузишга монелик қиладиган ҳолатлар бўлмаса, Ўзбекистон Республикасида ҳақиқий деб эътироф этилади.

Ўзбекистон Республикасидан ташқарида чет эл фуқаролари ўртасида бошқа давлат ҳудудида ўша давлатнинг қонун ҳужжатларига риоя қилинган ҳолда тузилган никоҳлар Ўзбекистон Республикасида ҳақиқий деб топилади.

**Икром ИСМОИЛОВ,**
**Муҳайё АЛИЕВА,**
**Дилдор ҚУРБАНОВА,**
**Тошкент шаҳар давлат нотариал идоралари нотариуслари**

**Ўзбекистон Республикаси давлат мустақиллигининг ҳуқуқий рамзи, халқ хоҳиш-иродасининг олий ифодаси бўлмиш Конституциямиз ҳаётимизнинг барча жабҳаларида амал қилмоқда. Асосий Қонунимиз ўтган қисқа давр мобайнида янги демократик ўзбек давлатчилигини шакллантириш ҳамда адолатли фуқаролик жамиятини қарор топтириш йўлида амалга оширилаётган кенг қамровлиислоҳотларнинг қонуний замини бўлиб хизмат қилиб келмоқда.**

# УМУМИНСОНИЙ ҚАДРИЯТЛАР ЭЪТИРОФ ЭТИЛГАН

Ўзбекистон Республикаси Конституцияси олий даражадаги қонун сифатида давлатимизнинг мақсадини, унинг ижтимоий, иқтисодий, сиёсий тузумини, бошқарувнинг демократик принципларини, жамият ривожланишининг стратегик йўналишларини, фуқаролар ҳуқуқ ва эркинликлари кафолатланганлигини, маънавий қадриятларимиз асосларини мустаҳкамлаб берди. Унда халқимизнинг руҳи, ижтимоий онги ва маданияти акс эттирилиши билан бирга умуминсоний қадриятлар ва халқаро ҳуқуқнинг устунлиги эътироф этилган.

Маълумки, фуқароларнинг конституциявий ҳуқуқий мақоми тизимида сўз ва эътиқод эркинлиги муҳим ўрин тутади. Конституциямизнинг 29-моддасида "Ҳар ким фикрлаш, сўз ва эътиқод эркинлиги ҳуқуқига эга", дейилган. Шунингдек, бу модда ўзининг қуйидагича мантиқий давомига эга: "Ҳар ким ўзи истаган ахборотни олиш ва уни тарқатиш ҳуқуқига эга, амалдаги конституциявий тузумга қарши қаратилган ахборот ва қонун билан белгиланган бошқа чеклашлар бундан мустаснодир. Шу билан бирга, давлат сири ва шу тоифадаги бошқа сирларга оид ахборот қонунда белгиланиб, улар фикр ва сўз эркинлиги ҳуқуқининг мавзуини ташкил эта олмайди.

Фуқароларнинг сўз эркинлиги қонун лойиҳалари муҳокамаларида, референдумларда, Президент ва парламент сайловларида, маҳаллий ҳокимият идоралари ҳамда фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш идоралари умумий йиғилишларида иштирок этиш ҳамда ўз фикрини ифодалаш имкониятини беради. Фикр ва сўз эркинлиги фуқаролар томонидан якка тартибда ҳамда жамоа тарзида амалга оширилиши мумкин.

Бош Қомусимизда фуқароларнинг жамият ва давлат бошқарувида иштирок этиш шаклларидан бири референдум эканлиги ҳам белгилаб берилган.

Дарҳақиқат, жамиятимиз ҳаётининг қайси жабҳасини олмайлик, Конституциямиз дастуруламал бўлмоқда. Ҳар бир шахснинг ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилиш, ҳуқуқий демократик давлат ҳамда фуқаролик жамиятини шакллантириш мамлакатимиз Бош Қонунининг асосий мақсади бўлиб, мустақил мамлакатимизнинг буюк келажак сари интилишининг ҳуқуқий пойдеворидир.

**Холида ҲАКИМОВА,**
**Саодат ОРТИҚОВА,**
**ҳуқуқшунослар**

Янги йил шукуҳи

# АРЧА, АРЧА, АРЧАЖОН...

- Янги йил байрамига арча безатиш анъанасини илк бор Эльзас ўлкаси (ҳозирги Франция ҳудуди) фуқаролари XVII асрда бошлаб беришган. Бу одат кейинроқ қўшни Вюртемберг диёрида, бора-бора герман ўлкаларида ҳам урф бўлган.
- XIX асрга келиб арча безатиш одати бутун Европага тарқалди. Жумладан, 1987 йили Англияда қиролича Виктория фармонига кўра Виндзор қасрида безатилган арча ўрнатилган.
- XIX аср ўрталарида Янги йил байрамини безатилган арча атрофида ўтказиш АҚШда ҳам оммавий тус олди. Биринчи Янги йил арчалари дастлаб Пенсильвания штатида пайдо бўлди. Ушбу ҳудудда асосан Германиядан келган фуқаролар истиқомат қилишарди.
- Арчани безаш учун махсус ўйинчоқлар ясаш тарихи ҳам қизиқарли. Маълуму машҳур кашфиётчи Томас Эдисон 1882 йили электрли шокила-безакни ихтиро қилди.

Янги йил арчасининг шиша шарчалари эса 1848 йили Тюрингиянинг Лаута шаҳрида немис усталари томонидан ишлаб чиқилган.

Германиядаги Лейпциг ва Дрезден шаҳарларида ҳам кейинроқ арча безакларини ишлаб чиқариш фабрикалари пайдо бўлди. Бора-бора бошқа мамлакатларда ҳам бундай маҳсулотларни тайёрлаш кенг йўлга қўйилди.

Диққат, янгилик!

# СОЛИҚ ТЎЛОВИДА ЗАМОНАВИЙ ТИЗИМ

**Айни пайтда республикамизнинг деярли барча ҳудудларида фаолият кўрсатаётган корхона, ташкилотлардан ҳисоботларни электрон тизими орқали қабул қилиш борасида дадил қадамлар ташлана бошлади.**

Бу замонавий тизим бежизга амалга киритилаётганлиги йўқ. Сабаби ушбу тизим айниқса тадбиркорлар ва ишбилармонлар олдидаги кўплаб муаммолар ечимини топиш имкониятини беради. Шунингдек, уларга ўзларининг асосий вақтларини фойдали ишларга сарфлаш учун йўл очади.

Шулардан келиб чиқиб, Яккасарой туман Давлат солиқ инспекциясида ҳам эътиборли ишлар амалга оширила бошланди. Шу кунга қадар туман ҳудудида фаолият кўрсатаётган корхоналарнинг қарийб 7-8 фоизи ана шундай замонавий тизимга ўтди. Корхона ва ташкилотларда солиқ идоралари вакиллари иштирокида олиб борилган тарғибот ва ташвиқот ишлари туфайли мазкур тизимга нисбатан қизиқиш янада орта бошлади. Янги 2010 йилда режага кўра, мавжуд корхоналарнинг 50 фоизи ҳисоботларининг қабул қилиниши электрон тизимига режалаштирилган.

**Шуҳрат АРИПОВ,**
**Яккасарой ДСИ ҳуқуқий шахслардан ҳисоботларни қабул қилиш шўъба бошлиғи**

## «ТОШБОЗОРТАЙЁРЛОВСАВДО» УЮШМАСИ ЖАМОАСИ

эл-юрт фаровонлиги ва ободлиги йўлида сидқидилдан меҳнат қилаётган ҳамшаҳарларимиз, пойтахтимиз меҳмонлари ва соҳа ходимларини

ЯНГИ 2010 ЙИЛ — БАРКАМОЛ АВЛОД ЙИЛИ БИЛАН ҚИЗҒИН МУБОРАКБОД ЭТАДИ.

Янги йилда хонадонларимизга файз-барака, тўкинлик, тинчлик-осойишталик ёр бўлсин, азизлар!

## ҚАДРЛИ ҲАМШАҲАРЛАР!



Барчангизни Янги йил билан дилдаги эзгу тилакларни изҳор этган ҳолда самимий муборакбод этамиз.

Хонадонингизга доимо осойишталик тилаймиз.

Оилаларингиздан қут-барака аримасин.

«12-АВТОБУС САРОЙИ» ОАЖ ЖАМОАСИ

## «ЎЗДАВНЕФТГАЗИНСПЕКЦИЯ» ТОШКЕНТ ШАҲАР БЎЛИМИ ЖАМОАСИ

*Азиз ҳамшаҳарлар ва азим пойтахтимиз меҳмонларини*

*Янги — 2010 йил билан самимий қутлайди.*

*Ҳар бир хонадонга тинчлик, хотиржамлик, қут-барака, омад тилаган ҳолда табиий неъмат бўлган газдан оқилона, тежаб-тергаб фойдаланиш турмушимиз фаровонлигини таъминлашини яна бир бор эслатиб ўтамиз!*



## ҚАДРЛИ ЮРТДОШЛАР!

Янги Баркамол авлод йили фарзандларимиз бахти-камоли, юрт тинчлиги, эзгу ишларимизнинг бардавоми бўлсин. Янги йилда янги орзу-умидлар, янгича кайфият, эзгулик сизга ҳамроҳ бўлсин.

*Сизларни «Б», «БС» ҳайдовчилик курсларига таклиф этамиз.*

МУДОФААГА КЎМАКЛАШУВЧИ «ВАТАНПАРВАР» ТАШКИЛОТИ ЯККАСАРОЙ ТУМАН КЕНГАШИ БЎЛИМИ ЖАМОАСИ

Хизматлар лицензияланган.

## АЗИЗ ҲАМШАҲАРЛАР, ҚАЛБИ ҚАЙНОҚ ЁШЛАР ВА БОЛАЖОНЛАР!

Барчангизни кириб келаётган 2010 йил—Баркамол авлод йили билан самимий муборакбод этамиз. Юртимизга янада равнақ, хонадонларимизга тўкин-сочинлик ва файзу барака тилаймиз.



2010 йилда спортда эришган ютуқларимиз бутун жаҳонга довруғ солиб, халқаро майдонларда юртимиз байроғи мағрур ҳилпирасин!

Халқ таълими вазирлиги ҳузуридаги Болалар спортини ривожлантириш жамғармасининг Тошкент шаҳар бўлими жамоаси

## Қадрли ҳамшаҳарлар!

Табаррук отахон-онахонлар ва эртамиз давомчилари бўлган ёшлар!

КИРИБ КЕЛАЁТГАН ЯНГИ – 2010 ЙИЛ ШОДИЁНАЛАРИ БАРЧАНГИЗГА МУБОРАК БЎЛСИН. ДИЛИНГИЗГА ТУГИБ ҚЎЙГАН ҲАММА ОРЗУ-НИЯТЛАРИНГИЗ, ЭЗГУ ТИЛАКЛАРИНГИЗ ЯНГИ ЙИЛДА ИЖОБАТ БЎЛСИН.



Она юртимиз тинч, маҳаллаларимиз обод, хонадонларимиз файзу баракага тўлиқ бўлсин!



Ўзбекистон «Маҳалла» жамғармаси Тошкент шаҳар бўлими жамоаси

## АЗИЗ ҲАМШАҲАРЛАР, СОҲА ХОДИМЛАРИ

Барчангизга янги 2010 йил муборак бўлсин.
Дастурхонингиз тўкин, рўзғорингиз бут, оилавий бахт-саодат
сизларга доимо ҳамроҳ бўлишига тилакдошмиз.
Жондан азиз Ватанимизни гуллатиб-яшнатиш йўлидаги
фаолиятингиз омад, муваффақият ва зафарларга тўлиқ бўлсин.

«ТОШКЕНТНОН» УЮШМАСИ ЖАМОАСИ

## АЗИЗ ЮРТДОШЛАР ВА МУҲТАРАМ ҲАМШАҲАРЛАР!

*Сизларни олам-олам шодлик билан кириб келаётган*
*Янги — 2010 йил*
*байрами билан чин қалбдан муборакбод этамиз.*



*Дилингиздаги барча эзгу ниятларингиз ушбу қутлуғ йилда амалга ошишига тилак билдирган ҳолда ишларингизга ривож, оилангизга бахту саодат тилаймиз!*

*Қувончли кунларингизда шодлигингизга шерикмиз, азизлар!*

«UZBEKTELEKOM» AK
«TOSHKENT SHAHAR TELEFON TARMOG‘I»
филиали.

## «ЯНГИ АСР АВЛОДИ» НАШРИЁТ-МАТБАА МАРКАЗИ ЖАМОАСИ

*юртдошларимизни Янги 2010 йил*

*—Баркамол авлод йили билан муборакбод этади.*

Келгуси йилда барчангизга мустаҳкам соғлиқ, омонлик ва бахт-саодат тилаймиз.

ЭНГ ЭЗГУ ТИЛАКЛАРИНГИЗ ИЖОБАТ БЎЛСИН, АЗИЗЛАР!

## АЗИЗ ҲАМШАҲАРЛАР ВА ПОЙТАХТИМИЗ МЕҲМОНЛАРИ!

*Барчангизни яқинлашиб келаётган Янги — 2010 йил билан чин дилдан табриклаймиз.*

*Баркамол авлод йилида ҳар бир хонадонга тинчлик, осойишталик, аҳиллик ва фаровонлик, дастурхонларимиздан қут-барака аримаслигини тилаб қоламиз. Барча эзгу ниятларингиз ва орзу-умидларингиз рўёбга чиқсин.*

*2010 йилда халқимизга кўрсатилаётган транспорт хизмати даражасининг янада самарали бўлишини асосий вазифа деб ҳисоблаймиз ва автотранспорт воситаларида йўловчи ташишда лицензия олиб ишлашга даъват этамиз.*

*Ҳамшаҳарларимиз узоғини яқин қилиш ниятида йўловчи ташиш фаолияти билан шуғулланмоқчи бўлсангиз департаментга қуйидаги телефонлар орқали мурожаат қилишингиз мумкин: 233-48-16, 233-39-62.*

ТОШКЕНТ ШАҲАР ҲОКИМЛИГИ ЙЎЛОВЧИ ТРАНСПОРТИНИНГ БАРЧА ТУРЛАРИ ҲАРАКАТИНИ ЛИЦЕНЗИЯЛАШ ВА МУВОФИҚЛАШТИРИШ ДЕПАРТАМЕНТИ ЖАМОАСИ

## ҚАДРЛИ ҲАМШАҲАРЛАР!

## «ОЛТИН МЕРОС»

ХАЛҚАРО ХАЙРИЯ ЖАМҒАРМАСИ ТОШКЕНТ ШАҲАР БЎЛИМИ ЖАМОАСИ

*барчамизнинг қалбимизни чексиз қувонч ҳамда эзгу ва пок ниятларга тўлдириб яқинлашиб келаётган Янги 2010 йил — Баркамол авлод йили билан чин дилдан самимий қутлайди.*

*Сизларга янги йилда соғлик-омонлик, хуш кайфият, бахт ва омад, хонадонларингизга файзу барака тилаймиз!*

## «АГРОДОНСАНОАТ» ХУСУСИЙ КОРХОНАСИ ЖАМОАСИ

*азиз ҳамшаҳарларимизни Янги йил айёми билан чин юракдан муборакбод этади, Янги йилда ҳар бир хонадонга тинчлик, тотувлик, сиҳат-саломатлик, осойишталик тилайди. Ўтган йилда ушалмаган орзуларимиз 2010 йилда рўёбга чиқсин.*

*Дастурхонимиз тўкин,*
*рўзғоримиз бут,*
*осмонимиз мусаффо,*
*ҳаётимиз фаровон бўлсин.*

## Азиз ҳамшаҳарлар ва пойтахтимиз меҳмонлари!

*Кириб келаётган янги 2010 йил* барчангизнинг хонадонингизга қут-барака, ишларингизга ривож ва саодат олиб келсин. Мамлакатимизда халқ фаровонлиги, юрт тинчлиги борасида амалга оширилаётган ислоҳотлар бардавом бўлсин.

*Янги йил барчамизга қутлуғ бўлсин!*

ТОШКЕНТ ШАҲАР ИСТЕЪМОЛЧИЛАР ҲУҚУҚЛАРИНИ ҲИМОЯ ҚИЛИШ ҲУДУДИЙ БИРЛАШМАСИ ЖАМОАСИ

IPOTEKA BANK

**Ҳурматли юртдошлар!**

Ипотека—Банк
Сизни Янги 2010 йил
билан табриклайди.
Янги йил бахт, омад,
қувонч келтирсин.
Сизга мустаҳкам соғлиқ, тинчлик,
хотиржамлик тилаймиз.

www.ipotekabank.uz

**АЗИЗ ЮРТДОШЛАР!**



**Янги — 2010 Баркамол авлод йили барчангизга бахт-саодат, омад, сиҳат-саломатлик ва фаровонлик келтирсин.**

Ўйлаган ҳамма эзгу ниятларингиз амалга ошишига тилакдошмиз. Йил бўйи хушнудлик, яхши кайфият, ишларингизда муваффақият сизларни асло тарк этмасин.

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ КИНО, СУРАТ ВА ОВОЗЛИ ҲУЖЖАТЛАР МАРКАЗИЙ ДАВЛАТ АРХИВИ ЖАМОАСИ**

**АЗИЗ ҲАМШАҲАРЛАР!**

*Янги 2010 йил барчангизга муборак бўлсин. Дастурхонингизга қут-барака, хонадонингизга осойишталик тилаймиз.*

*Эл-юрт фаровонлиги йўлидаги ишларингизда янгидан-янги муваффақиятлар ёр бўлсин.*




**«ЮНУСОБОД ДЕҲҚОН БОЗОРИ»**
**ОЧИҚ АКЦИОНЕРЛИК ЖАМИЯТИ ЖАМОАСИ**

**ҚАДРЛИ ҲАМШАҲАРЛАР, ПОЙТАХТИМИЗ МЕҲМОНЛАРИ ВА ЭРТАМИЗ ДАВОМЧИЛАРИ БЎЛГАН АЗИЗ ЁШЛАР!**

**Барчангизни Янги 2010 йил — Баркамол авлод йили билан самимий муборакбод этамиз.**

*Юрт тинчлиги, элимиз ободлиги, дастурхонимиз тўкинлиги йўлида амалга ошираётган хайрли ишларингизга ривож, мустаҳкам соғлик-саломатлик, оилаларингизга бахт-саодат ёр бўлишини тилаймиз. «Баркамол авлод йили»да келажагимиз бўлган ёшларнинг ўқиш, илм ва касб йўналишларида катта зафарларни қучишларига тилакдошмиз. Жисмонан соғлом, маънан баркамол авлодни вояга етказишга ҳар биримиз ўз ҳиссамизни қўшайлик.*

*Байрамингиз муборак, азизлар!*

**ШАЙХОНТОҲУР ТУМАНИ ҲОКИМЛИГИ ВА ТУМАН ХОТИН-ҚИЗЛАР ҚЎМИТАСИ**

Пиротехника воситаларига — йўл йўқ

## ФАРЗАНДЛАРИМИЗНИ АСРАЙЛИК

**Ёши бир жойга бориб қолган, икки қўли бозор қилган маҳсулотлар билан банд аёл ногоҳ оёғи остида портлаган қаттиқ овоздан чўчиб тушди. Бироз муддат нима қиларини билмай турди-да сўнг ўтириб олди. Бехос қўрқувдан юраги така-пука бўлган аёлнинг ҳолатини тасаввур қилиш қийин эмасди. Балки бу ишни бола атайлаб қилмагандир. Лекин нима бўлган тақдирда ҳам кейинчалик шифокорга учрашга мажбур бўлган бу аёлга кўрсатилган муносабат катта гуноҳ, жиддий жиноят эди.**

Бир қатор кўнгилсизликка сабаб бўладиган бу каби ҳолатлар 3-4 йиллар олдин кундалик ҳаётимизда тез-тез учраб турган бўлсада, Вазирлар Маҳкамасининг «Ўзбекистон Республикаси ҳудудида пиротехник воситалари айланмасини тартибга солиш чоралари ҳақида»ги 309-сонли Қарори кўпчиликни ҳақли равишда ташвишга солаётган бу муаммога ечим бўлди. Мазкур қарор асосида Халқ таълими вазирлигининг, Тошкент шаҳар Халқ таълими бош бошқармаси, туман халқ таълими бўлими ва ўз навбатида умумтаълим муассасамизнинг буйруқлари ишлаб чиқилиб, кенг кўламли саъй-ҳаракатлар бошлаб юборилди. Эътиборлиси, бу жараёнда туман ички ишлар бўлими, мактабимиз ўқувчилари яшайдиган «Шарқ ҳақиқати» маҳалла фуқаролар йиғини фаоллари, вояга етмаганлар билан ишлаш комиссияси вакиллари ота-оналар ҳамкор ва ҳамфикр бўлмоқдалар. Жумладан, яқинда мактабимизда Юнусобод туман ИИБ бошлиғи ўринбосари А.Қаюмов, маҳалла профилактика инспектори С.Раҳимов, «Шарқ ҳақиқати» маҳалла фуқаролар йиғини раиси Ш.Ирисметов ва 120 нафар ота-оналар иштирокидаги йиғилишда фарзандларимиз саломатлигини сақлаш, пиротехника воситалари сабаб турли кўнгилсизликларнинг олдини олиш бўйича амалга ошириш лозим бўлган ишлар юзасидан аниқ таклиф ва мулоҳазалар ўртага ташланди. Муаммо ва камчиликлар рўй-рост муҳокама қилинди. Натижада эса бугун ўқувчиларимиз ўртасида «пақилдоқ»лар олиб юришнинг олди бутунлай олинди.

Таъкидлаш лозимки, устозлар ташаббуси билан Вазирлар Маҳкамасининг юқоридаги қарори ва Халқ таълими вазирлиги буйруғи асосида барча синфларнинг ўз чора-тадбирлар дастури ишлаб чиқилгани ҳам яхши самара бермоқда. Унда шифокорлар, ички ишлар ходимлари, кўпни кўрган ҳурматли инсонлар билан суҳбатлар, театрлаштирилган кўринишлар мазмун-мундарижаси, иншо ва расмлар кўрик-танлови ўз аксини топган бўлиб, ҳатто болажонларнинг қишки таътил кунлари ҳам мазкур чора-тадбирлар доирасида қамраб олинган.

Яқинда мактабимизда бўлиб ўтган яна бир йирик тадбир эса бу йўналишдаги ишларимиз орасида кўпчиликнинг эътиборини тортгани билан аҳамиятлидир. Қўшни 327-мактаб ўқитувчи ва ота-оналари ҳам ташриф буюрган ушбу йиғилишни Юнусобод туман ҳокими Қобилжон Фармонов олиб борди. Туман мутасаддиларининг мактабларга ташриф буюриб, фарзандларимизнинг ҳар томонлама баркамол бўлиб вояга етиши, уларни турли нохуш ҳодисалардан асраш юзасидан аҳоли билан юзма-юз мулоқот уюштириши барчада яхши таассурот қолдирди.

Мана, янги йил остонасида Баркамол авлод деб номланган қутлуғ йўл арафасида турибмиз. Юртбошимиз бошлаб берган бу йўлни янада улкан ютуқлар билан муносиб босиб ўтишимиз учун барчамиз бирдек масъулиятли бўлишимиз лозим. Устоз сифатидаги айтар сўзим эса фарзандларимизни асрайлик!

**Гулноза МАНСУРХАНОВА,**
**Юнусобод туманидаги 313-мактаб ўқитувчиси**

# ТАБИАТ ВА ИНСОН

№6(201) Тошкент шаҳар табиатни муҳофаза қилиш қўмитасининг саҳифаси

# ЭКОЛОГИК ТАЪЛИМНИ ТАШКИЛ ЭТИШ ЙЎЛИДА

**Халқ таълими вазирлиги тасарруфидаги Республика ёшларининг «Биоэкосан» ўқув-услубий мажмуаси мактабдан ташқари таълим муассасаси ҳисобланиб, биология, экология, саломатлик ва барқарор ривожланиш узлуксиз таълим йўналишларида қўшимча таълим бериш жараёнини амалга оширади.**

Мажмуанинг асосий мақсади мактабдан ташқари таълим муассасаларида узлуксиз экологик таълимни ташкил этиш, ўқувчи-ёшлар ва кенг жамоатчилик ўртасида экологик ва барқарор ривожланиш таълим-тарбия мезонларини аниқлаш, оила, маҳалла, мактаб ҳамкорлиги концепцияси асосида соғлом турмуш тарзини ўқувчиларнинг кундалик ҳаётига татбиқ этишнинг интерфаол усулларини ишлаб чиқиш, биология, экология ва саломатлик йўналишларида иқтидорли ўқувчи-ёшларни аниқлаш ҳамда уларни доимий қўллаб-қувватлаш, «Барқарор ривожланиш концепцияси» ва «Биологик хилма-хилликни сақлаш» соҳасидаги халқаро дастурларни амалга оширишда фаол иштирок этишдир. Бундан ташқари ўқувчи-ёшларнинг бўш вақтини мазмунли ўтказиш учун «узлуксиз экологик барқарор ривожланиш таълими» концепцияси асосида тўгараклар, клублар ташкил этади. Мажмуа хорижий давлатларнинг ўқув муассасалари, нодавлат ташкилотлар, жамғармалар ва фирмалар билан битимлар, шартномалар, келишувлар ҳамда лойиҳалар асосида педагогик ўқув-услубий тажриба алмашишни уюштиради.

Республика миқёсида ўтказиладиган тадбирлар, фестиваллар, байрамлар, ўқувчи-ёшлар анжуманларини ташкил этади. Мамлакат миқёсида ўтказиладиган оммавий тадбирларнинг мактаб, туман ва вилоят босқичларининг уюштирилишини таъминлайди ва назорат қилади.

Жорий йилда Тошкент шаҳрининг 2200 йиллигига бағишлаб Республика ёшларининг «Биоэкосан» ўқув-услубий мажмуаси томонидан бир қатор оммавий тадбирлар ўтказилди.

Республика мактаб ўқувчиларининг «Гуллар ва қушлар» байрами, «Табиат, кеча, бугун, эрта» анжумани мактаб ўқувчиларининг «Ёзги экологлар оромгоҳи»нинг ташкил этилиши шулар жумласидандир. Бундан ташқари Халқаро болаларни ҳимоя қилиш куни, Табиатни муҳофаза қилиш кунига бағишланган тадбирларни ўтказиб келмоқда.

Тошкент шаҳар «Табиатни муҳофаза қилиш қўмитаси билан ҳамкорликда бундан кейин ҳам «Биоэкосан» ўқув-услубий мажмуаси она табиатимизни асрашга ўз ҳиссасини қўшиб келади.

**(Ўз мухбиримиз)**



**Сув – бебаҳо гавҳар. Қадим аждодларимиз бу ноёб неъматни муқаддас билиб, жуда қадрлаганлар. Ҳадиси шарифларда ҳам сув энг бебаҳо унсур сифатида эъзозланади. Шарқ ва ғарб ҳакимлари сувни «ҳаловат манбаи» ёки «саломатлик маликаси» га қиёс этганлар. Уларнинг айтишларича, сув баданни пок қилибгина қолмай, балки терининг «кўзи»ни очади. Сув таъсиридан бош мия ҳушёр тортади, чуқур нафас олади, юрак дадил уради, мушаклар таноби тортилади.**

# ЭНГ АЗИЗ НЕЪМАТНИ БЕҲУДА САРФЛАМАЙЛИК

Афсуски, тоза ичимлик сувининг беҳуда нобуд бўлаётганини ҳар биримиз кўп кўрганмиз ёки эшитганмиз. Негадир бунга жиддий эътибор ҳам бермаймиз ва "менга нима" қабилида иш тутамиз. Бироқ бу лоқайдликларимиз эртага қимматга тушишини хаёлимизга ҳам келтирмаймиз. "Олдингдан оққан сувнинг қадри йўқ", дея бежиз айтилмаган. Тўрт унсурдан бири бўлган, бутун тирик мавжудотни обиҳаёт билан таъмин этиб турган бундай нодир неъматга бўлган бефарқ муносабатни ўзгартиришнинг вақти аллақачон етган. Яна шуни таассуф билан таъкидлаш керакки, атроф-муҳитга – экологияга нисбатан бўлган бепарволигимиз туфайли ер ости сувлари ҳам йилдан йилга камайиб боряпти. Назаримизда бу ҳол артезиан қудуқлари орқали олинаётган сувлардан ҳам самарасиз фойдаланиш оқибати бўлса керак.

"Табиатда ҳамма нарса бебаҳо, бироқ сув бутун табиат гўзаллигидир" дейди мутафаккирларимиздан бири. Дарвоқе, тоза ичимлик суви ҳақида гап кетар экан, бу бебаҳо неъматдан оқилона фойдаланиб, уни тежаш хусусида республикамиз матбуотида долзарб мақолалар чоп этиляпти. Радио-телевидение ҳам бефарқ қараб тургани йўқ. Бироқ бу чиқишлар назаримизда ҳали етарлича эмасдай ёки унинг самараси беҳуда кетаётгандай туюлади. Хусусан, оммавий ахборот воситаларида айрим хонадон эгалари тарвузни совутиш мақсадида жўмракни катта очиб қўйиб, тоза ичимлик сувини нобуд қилаётгани ёки томорқасини суғоришда, ҳатто баъзи ҳайдовчилар машиналарни ювишда ҳам истеъмол сувларидан тартибсизларча фойдаланаётгани ҳақида чиқишлар қилиняпти. Шуни унутмаслик керакки, она табиатга бўлган ҳар қандай номутаносиб хатти-ҳаракатлар иқлим ўзгаришига ҳам салбий таъсир кўрсатмасдан қолмайди.

Албатта, хизмат тақозоси билан кўпгина корхона ва ташкилотларга кириб чиқишимизга тўғри келади. Таажжубки, ана шу муассасаларнинг ошхона ёки ювиниш хоналарига бирор юмуш билан кириб қолгудек бўлсак, ажиб манзарага дуч келган ҳолларимиз кўп бўлган. Бино ичидаги қувурларга ўрнатиб қўйилган жўмракларнинг носозлигидан иссиқ ёки совуқ сув беҳуда оқиб ётганини бир неча бор кузатганмиз. Шу боис, сув тақсимлагич идораларнинг мутасадди ходимларига ҳам жиндай эътирозимиз йўқ эмас. Ахир улар сувни беҳуда нобуд бўлишига йўл қўяётган давлат ташкилотлари ёки хусусий корхоналарнинг раҳбарларини яхшигина жаримага тортсалар мақсадга мувофиқ бўлмасмикан? Ёки сув ўлчагич асбобларини ўрнатиб қўйиш шунчалар қийинмикан?!

Шунингдек, ариқ сувларининг ифлосланишига йўл қўяётганларга ҳам назорат органлари томонидан кескин чоралар кўриш керак. Бундай шахслар фақат маъмурий жавобгарликка тортилибгина қолмай, балки уларга моддий жарима солиниши керак.

"... Сувларнинг энг яхшиси булоқ сувидир. Лекин ҳамма булоқнинг эмас, балки ери тоза ва тупроғида бирорта чет хусусият ва кайфият бўлмаган булоқнинг сувидир; ёки (сув оқадиган жой) тошли бўлиши керак, чунки у балчиққа ўхшаб сасимайди, аммо тоза тупроқли ер тошли ердан яхшироқ.

*Ҳамма тоза тупроқли булоқнинг (суви яхши) бўлавермайди; у яна оқар сув бўлиши керак, оққанда ҳам қуёш ва шамоллар учун очиқ жойда оқиши керак, чунки булар оқар сувга фазилат берадиган нарсалардир"* дея ёзиб қолдиргандилар табобатимиз бобокалони Абу Али ибн Сино.

Агар эътибор қаратган бўлсангиз, сув мўл бўлган жойларнинг иқлими ҳамиша мўътадил бўлган. Чунончи, сув ҳавзалари, ариқ ва сойлар ўтган ҳудудлар ҳамиша обод ва кўркам бўлишидан ташқари, экологик жиҳатдан ҳам софлигича қолади. Сувсиз жойлар эса... буёғи ўзингизга маълум. Шу боис, дам олиш оромгоҳлари, санаторийлар ва бошқа кўнгилочар иншоотлар ана шундай баҳаво, салқин ҳудудларда барпо этилади. Тоза ҳаводан баҳра олган организм анча тетиклашиб, фаоллиги янада ошиши барчамизга аён.

Пировардида шуни ҳам алоҳида таъкидлаб ўтмоқчимизки, тоза ичимлик сувини беҳуда нобуд қилаётган шахсларга нисбатан кескинроқ чоралар кўриш керакка ўхшайди. Ахир ҳар бир нарсанинг ҳам ҳисоб-китоби, чеки-чегараси бор. Истеъмол сувлари ҳам битмас-туганмас хазина эмас. "Нимани хор қилсанг, шунга зор бўласан", дейдилар. Шу боис, Оллоҳ инъом этган бебаҳо неъматнинг қадрига етиш ҳар бир инсон учун ҳам қарз, ҳам фарздир.

**Азамат СУЮНОВ**

**Шаҳримизда автотранспорт воситаларидан чиқадиган турли зарарли газларнинг атроф-муҳитни ифлослантиришини камайтириш юзасидан амалга оширилаётган ишлар ўз ижобий натижаларини бермоқда. Чунончи, 1996 йилда чиқараётган газларининг заҳарлилиги меъёрдан ортиқ бўлган автомобиллар миқдори 25-27 фоизни ташкил этган бўлса, 2009 йилда ўтказилган «Тоза ҳаво» тадбири давомида аниқланишича, пойтахтимизда шундай машиналар сони 8,1 фоизга тушган.**

# «ТОЗА ҲАВО» ТАДБИРИ НИМАЛАРНИ КЎРСАТДИ?

Атроф-муҳитга турли хил ифлослантирувчи моддалар чиқишини камайтириш мақсадида шаҳримизда жорий йилнинг 10 сентябридан 10 октябригача «Тоза ҳаво» тадбирининг иккинчи босқичи ўтказилди. Ойлик давомида жами 15295 та автомобилларнинг атмосферага чиқараётган газларининг заҳарлилик даражаси текширилиб, шулардан 1245 тасида заҳарлилик кўрсаткичи меъёрдан юқори эканлиги аниқланди. Бу юқорида таъкидланганидек, текширилган автомобилларнинг 8,1 фоизини ташкил этади.

Таъкидлаш керакки, 1995 йилдан 2009 йилга қадар Тошкент шаҳридаги автомобиллар сони 3 баробардан ошди. Шубҳасиз, ишлатиладиган ёнилғи сарфи ҳам кўпайди. Бу эса ўз навбатида атмосфера ҳавосига чиқариладиган ифлослантирувчи моддаларнинг кўпайишига олиб келмоқда.

Умуман олганда пойтахтимизда атмосферага зарарли моддаларни чиқариш борасида автотранспорт воситаларининг ҳиссаси 95 фоизга тўғри келади. Чунончи, автомобиллардан чиқадиган фойдаланиб бўлинган газларда киши организмига салбий таъсир этувчи 200 дан ортиқ зарарли моддалар бор. Двигатель ишининг носозлиги (ёнилғи аралашмаси таркибининг бузилиши, поршен гуруҳлари ва ўт олдириш тизимининг издан чиқиши) ифлослантирувчи моддалар чиқиши миқдорини оширадиган омиллардир.

Барча ҳайдовчиларнинг вазифалари ўз автоулови техник ҳолати устидан доимий назоратни олиб боришдир. Яъни улар машиналари атроф-муҳитга чиқарадиган зарарли газларнинг энг кам даражада бўлишини кузатиб боришлари лозим. Алоҳида таъкидлаш керакки, битта автомобилнинг зарарлилик даражасини меъёрга солиш учун атиги 10 дақиқа вақт кетади — бу эса обҳавода зарарли моддалар миқдорининг камайиши, ёнилғи сарфининг пасайиши демакдир. Бу ҳам ҳайдовчига яхши, ҳам атмосфера мўътадиллигида муҳим омилдир.

Ҳайдовчилардан автомобиль атроф-муҳитни жиддий ифлослантирувчи воситалар қаторига кирадими, деб сўралганида кўпчилик йўқ, дея жавоб беришади. Шундай бўлса-да эслатиб ўтамиз — 200 дан ортиқ атроф-муҳитга зарар етказувчи моддалар тўплами: углерод окиси, альдегидлар, қоракуя, азот окиси ва бошқалар ернинг устки қатламида (яъни кишиларнинг нафас олиш жойида) тўплангани ҳолда ультрабинафша нурлар таъсири остида фотокимёвий реакцияга киришади ва янги, баъзан янада заҳарли бирикмаларнинг юзага келиши учун бошланғич омил вазифасини ўтайди. Ушбу бирикмалар эса танамизни заҳарлаган ҳолда нафас йўллари, қон айланиш тизими ва онкологик хасталикларни келтириб чиқаради, ёш авлоднинг ўсишига салбий таъсир кўрсатади.

Ҳайдовчилар! Шулардан хулоса чиқариб, чуқурроқ ўйлаб кўринг. Балки шу тариқа сиз атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ишларида фаолроқ қатнашарсиз. Бу эса барчамиз учун фойдалидир.

**Н.ГИРЯНСКИЙ,**
**шаҳар Табиатни муҳофаза қилиш қўмитаси инспекцияси бошлиғи**

# ТЕКШИРУВДА АЁН БЎЛДИ

- «UZCASEMASH» ҚК менежери ерлардан хўжасизларча фойдаланиб, нефть маҳсулотлари ва ишлаб чиқариш чиқиндилари билан ифлослантирганлиги учун ЎзР МЖ Кодексининг 65-моддасига асосан 112,0 минг сўмлик жаримага тортилган.
- «КАРИМА» ХК директори Х.Мўминов табиий сув манбаларидан сув олиш лимит ва қоидаларини бузганлиги учун ЎзР МЖ Кодексининг 74-моддасига асосан 29,0 минг сўмлик жарима тўлашга мажбур.
- «ТЕХНОЛОГ МЕТАЛИЗ» ШК цех бошлиғи Б.Тиманбаев атмосферага чиқариладиган зарарли моддалар бўйича носоз тозалаш иншоотидан фойдаланганлиги учун ЎзР МЖ Кодексининг 86-моддасига асосан 60,0 минг сўмлик жаримага тортилди.
- «AGBULAG» ОАЖ директор ўринбосари А.Осинян экологик экспертизасининг ижобий хулосасисиз ишлаб чиқариш фаолиятини ташкил қилганлиги учун ЎзР МЖ Кодексининг 96-моддасига асосан 84,12 минг сўмлик жаримага тортилган.

ЎЗ-ЎЗ ЎРГАНИБ ДОНО БЎЛУР

# МАШРИҚЗАМИН — ҲИКМАТ БЎСТОНИ

## ҚОНУНИ БОСИТИЙ

### Тўртинчи қоида — овқат ейиш тартиби ҳақида

Ҳифзи сиҳҳат (соғлиқни сақлаш)ни хоҳловчи ҳар бир одамга овқат ейишда тартибга риоя қилиш шарт. Юқорида айтиб ўтилдики, энг яхши тартиб, агар ҳар хил овқатларни истеъмол қилишга тўғри келса бошқа овқатларга нисбатан ғализроқ бўлган овқатни аввал ейиш керак. Сўнг ундан бироз латиф ва юмшоқроғини тановул қилиш лозим. Чунончи, бунинг сабаби юқорида "ҳар хил овқатларни бирга қўшиб бўлмайди" сўзининг шарҳида кўпгина фойдалар билан баён қилинади. Аммо, бу ерда табиблар ўртасида юз берган низоларни ва бундан маълум бўлган тартибга риоя қилиш фойдаларини баён қиламиз.

Билмоқ керакки, табибларнинг баъзилари овқатланишда аввало латифни, сўнг ғализни тановул қилиш лозим дейдилар. Бунга далиллари шуки, агар аввало ғализ (қуюқ)ни тановул қилинса бу ғализ таом меъданинг остида ўрнаб олиб, овқатнинг баданга сизиб ўтадиган тешикларини тўсиб турса ва ўзи ҳам ҳазм бўлишдан аввал баданга ўтолмай, кўпроқ вақт меъдада тўхтаб турса, орқасидан истеъмол қилинган таом тўлиқ ҳазм бўлиб, баданга ўтай деса, йўл банд бўлса, ҳазмдан сўнг ҳам меъдадан кечикса бузилади. Унинг тузилиши ғализни ҳам бузади, дейдилар.

Баъзи табиблар аввал қуюқ овқатни, сўнг суюқни истеъмол қилиш керак, дейдилар. Бунга далиллари шуки, меъданинг остида ҳазм қилувчи қувват кучлироқ ва кўпроқ бўлади. Аммо, устки томонидаги қувват нисбатан камроқ ва заифроқ бўлади. Демак, аввал қуюқни, сўнг суюқни тановул қилинса кучли бўлган ҳазм қувват қуюқни, кучсиз бўлган ҳазм қуввати суюққа мос бўлиб, ҳар икки овқат тенг ҳазм бўладики, асл мақсад ҳам шудир, дейдилар.

Бу икки бир-бирига зид фикрни бир-бирига татбиқ этиш ва орадаги ихтилофни йўқотиш учун ҳаким Қарший айтадиларки, агар ғализ таом билан латиф таомнинг ўртасидаги тафовут озгина бўлса, аввало ғализни, сўнгра латифни тановул қилмоқ керак. Ёки меъда остининг ҳазм қувватида ғализни ҳазм қилиш кучлироқ бўлса ғализ билан латиф тенг ҳазм бўлади. Агар ҳар икки овқатнинг ўртасида тафовут кўп бўлса, бу тақдирда аввало латифни, сўнг ғализни истеъмол қилиш ёки аввало ғализни еб, то бу ғализ таом чала ҳазм бўлгунича тўхтаб туриб, сўнг латифни истеъмол қилиш лозим, дейдилар. Чунончи, бу юқорида батафсил баён қилингандир. Бу ерда эсга тушириш учунгина такрорладим.

Мен мискиннинг наздимда мазкур икки зид фикрнинг бир-бирига мослаш учун яна бир сабаб шуки, қайси бир овқатни аввал истеъмол қилиш очликнинг даражасига боғлиқдир. Чунончи, агар эчкининг даражаси мўътадил бўлса, ҳаддан ортиқ бўлмаса, бу тақдирда аввало суюқ овқатни, сўнг қуюқ овқатни ейиш керак. Фақатгина қуюқ ва суюқ овқатнинг ўртасида фарқ меъданинг ост ёки устки тарафидаги меъданинг ҳазм қувватига мутаносиб бўлса, бу вақтда аввало ғализни, сўнг латифни тановули мумкиндир.

Агар очлик мўътадил даражадан ўтган ва сафро ҳануз меъдага қуйилмаган бўлса, бу тақдирда аввало ғализни, сўнг латифни тановул қилиш лозим. Зероки, меъданинг овқат учун ғоятда муҳтож ва толиб, ҳазм қуввати ғоятда ўткир ва бақувват, табиатнинг овқатга иштиёқли пайтида қуюқ овқатнинг ҳазми осон бўлади. Ғализ овқат билан табиат бироз қаноат ҳосил қилиб, диққати ноқис бўлган вақтда латиф овқат истеъмол қилинса, бу ҳам ўз латифлиги жиҳатидан ҳазм қувватининг озгина диққати билан комил ҳазм бўлиб, мақсад ҳосил бўлади.

Агар очлик мўътадил даражадан ҳаддан ортиқ ўтган бўлса ва бўш меъдага сафро қуйилган бўлса ёки ҳануз мўътадил очлик ҳосил бўлмай, меъда овқат билан банд бўлса, бу тақдирда ҳеч қандай овқат истеъмол қилмаслик, балки меъда овқатдан бўшагунча ёки меъдадан сафро тозаламагунча сабр қилиш, аввало меъдани тозалашга ҳаракат қилиш, сўнг ҳақиқий иштаҳа ёрдами билан овқат истеъмол қилиш керак. Йўқса, овқат нафақат касалликка сабаб, балки ҳалокатга сабаб бўлиши муқаррардир. Чунончи, аксар кўп еювчи кишиларда меъда таомдан бўшамай турган вақтда яна устига овқат ейишдан бўкиш, меъда бузилиши ва ичкетиш каби анвои касалликлар пайдо бўлиши ёки овқат йўқлигидан ўта оч қолган кишиларга овқат топилганда меъда тозаланишидан аввал овқат ейиш ҳалокатга сабаб бўлгани кўрилган меъдага сафро қуйилишини "Меъда мизожининг бузилиши" бобидан билиш мумкин, баёнга эса ҳожат йўқ.

(Давоми бор)

**Маҳмуд ҲАСАНИЙ тайёрлаган**








**Ёшлар — келажагимиз**

## ИҚТИДОРЛИ ТАЛАБАЛАР ТАҚДИРЛАНДИ

**Юртимизнинг ҳар бир гўшасида яқинлашиб келаётган Янги йил байрамини кутиб олишга катта тайёргарлик кўрилмоқда. Поёнига етиб бораётган 2009 йилда амалга оширилган ишлар сарҳисоб қилиниб, янги-янги орзу-ниятлар билан 2010 — Баркамол авлод йилига қадам ташлашга ҳозирлик кўрилмоқда.**

Маълумки, мамлакатимизда жисмонан соғлом ва маънан баркамол авлодни вояга етказиш давлат сиёсати даражасига кўтарилган. Хусусан таълим соҳасида олиб борилаётган туб ислоҳотлар, «Таълим тўғрисида»ги қонуннинг қабул қилиниши, Кадрлар тайёрлаш Миллий дастури ҳамда Мактаб таълимини ривожлантириш Давлат умуммиллий дастурининг ҳаётга татбиқ этилиши фикримиз далили бўла олади.

Бугунги кунда жаҳон андозалари даражасида қад ростлаган, ёруғ ва шинам коллеж ва лицейларда таълим- тарбия олаётган ёш авлод ушбу эътибор ва ғамхўрликка муносиб тарзда илм-фаннинг турли йўналишларида ғолиблик шоҳсупасини забт этмоқдалар.

Айни Янги йил шодиёналари эшик қоқаётган кунларда Яккасарой енгил саноат касб- ҳунар коллежида ҳам устоз- мураббийлар, ўқувчилар ва ота- оналар иштирокида тадбир бўлиб ўтди. Унда йил давомида ўзининг намунали хулқи, иқтидори, билими ва ижодкорлиги билан барчага ибрат бўлган Ш. Нишонова, Н. Расулова, Н. Тўлаганова, М. Асомова ва Н. Ҳасанова каби бир қатор ўқувчиларга Фахрий ёрлиқ ва эсдалик совғалари топширилди.

Тадбирда сўз олган коллеж директори Норпошша Сагатова, ўқув масканининг маънавий-маърифий ишлар бўйича директор ўринбосари Олимжон Мелибоев, ота- оналар номидан сўз олган Исмоил Аймуҳаммедовлар барчани яқинлашиб келаётган Янги йил билан муборакбод этиш баробарида эртамиз издошлари бўлган ёшлар таълим- тарбиясига янада эътибор қаратиш лозимлиги ҳақида тўхталиб, баркамол авлоднинг эртанги кунига барча бирдек масъул эканлигини таъкидлаб ўтдилар.

Тадбир сўнгида янграган қувноқ куй ва қўшиқлар барчага кўтаринки кайфият бағишлади.

**Шоира МУХАМЕДОВА**

**Кураш**

## ЙИЛ САРҲИСОБИ

**Бугунги кунда миллий спорт туримиз бўлмиш курашнинг дунё миқёсидаги нуфузи кундан-кунга ошиб, мавқеи янада юксалиб бораётгани диққатга сазовордир.**

Яқинда «Жар» спорт-соғломлаштириш мажмуасида икки кун давомида кураш бўйича эркаклар ва аёллар ўртасида Ўзбекистон Кубоги мусобақалари бўлиб ўтди.

Унда 60, 66, 73, 81, 90, 100,+100 килограммгача вазнда эркаклар, 48,52, 57, 65, 70, 78,+78 килограммгача вазн тоифасида қизлар ўзаро беллашдилар.

Мусобақа бошланишидан олдин эса, Ўзбекистон Кураш федерацияси йил давомида самарали меҳнат қилган энг яхши ҳакам, мураббий, курашчи, журналист ва бир қанча кураш жонкуярларини эълон қилди ва уларга Фахрий ёрлиқлар ҳамда совғалар топширилди. Йилнинг энг яхши эркак курашчиси номинациясига 2007 йил Мўғулистонда, 2009 йилда Украинада бўлиб ўтган жаҳон чемпионатида олтин медалларни қўлга киритган ва шу йилнинг август ойида Таиландда ўтказилган яккакурашлар бўйича Осиё ўйинларининг ғолиби бўлган Шерали Жўраев, аёл курашчи номинациясига эса бир неча халқаро турнирлар ғолиби, жорий йилда жаҳон чемпиони унвонига сазовор бўлган Соҳибжамол Холиқулова муносиб деб топилди.

Йилнинг энг яхши мураббийси деган шарафли номга эса бир қатор жаҳон чемпионлари, халқаро турнирлар ғолиблари, Осиё ўйинлари ғолибларини тайёрлаган Ўзбекистон Кураш федерацияси бош мураббийси Олимжон Ҳайитов, йилнинг энг яхши ҳаками номига Ботир Фармонов сазовор бўлди, энг фахрий курашчи деб Абдурашид Мирзаев, энг фаол журналист номинациясида эса Мусурмон Элмуродов ғалаба қозонди.

Икки кун давом этган шиддатли кураш мусобақаларида Тошкент шаҳри курашчилари биринчи ўринни қўлга киритиб мутлақ ғолиб бўлдилар.

**Гулчеҳра ДУРДИЕВА**

**Спорт янгиликлари**

## ЙИЛНИНГ ЭНГ ЯХШИ ФУТБОЛЧИСИ ВА МУРАББИЙСИ

**Ўзбекистон футбол федерацияси ташаббуси билан ўтаётган йил якунлари ва янги йил режалари муҳокамасига бағишланган йиғилиш футбол мутасаддилари, мутахассислари ва оммавий ахборот воситалари вакиллари иштирокида уюштирилди.**

Оммавий ахборот воситалари ходимларига берилган сўровнома якунларига кўра йилнинг энг яхши футболчиси деб «Пахтакор» жамоаси ярим ҳимоячиси, Ўзбекистон терма жамоаси аъзоси Одил Аҳмедов топилди. Мамлакат XVIII миллий чемпионати тўпурари турнирлари «Бунёдкор»нинг бразилиялик легионери Ривалдо эса Одил Аҳмедовдан 136 очко ортда қолди. Шуни таъкидлаш жоизки, аввалари «Пахтакор» ҳимоя чизиғини мустаҳкамлаш мақсадида майдонга туширилган Одилжон Аҳмедов эндиликда ярим ҳимоячи сифатида ҳужумчиларга ёрдам берадиган, ҳатто рақиб дарвозасига хавфли ҳужум уюштирадиган ўйинчи сифатида эътироф этилмоқда.

Йилнинг энг яхши мураббийси сифатида «Олмалиқ» жамоасининг бош мураббийси Игорь Шквирин тан олинди. Дарҳақиқат, «Олмалиқ» жамоаси жорий йилда сермазмун ўйин намойиш этди. Бир вақтлар ўзбек футболининг моҳир юлдузларидан ҳисобланган, истеъдодли ҳужумчи сифатида мухлислар эътиборини қозонган Игорь Шквирин мураббий сифатида ҳам маҳоратли эканлигини исботлади.

Биз кўп минг сонли мухлислар номидан Одилжон Аҳмедов ва Игорь Шквиринларни қутлаймиз.

## БАРАКАЛЛА, ОРЗУБЕК!

**Озарбойжон пойтахти Боку шаҳрида Халқаро ҳаваскор боксчи ассоциацияси — AIBA президенти кубоги учун ўтказилган анъанавий халқаро турнир бош совринларидан бири мамлакатимиз шарафини ҳимоя қилган чарм қўлқоп устасига насиб этди.**

Дунёнинг турли давлатларидан келган 17 ёшдан 44 ёшгача бўлган боксчилар ғолиблик учун курашган ушбу нуфузли турнирда Халқаро боксчилар ассоциацияси — AIBA президенти совринининг ўзбекистонлик боксчига насиб этгани ўзбек бокс мактабининг халқаро миқёсда ўз ўрнига эга эканлигини яна бир карра исботлади.

64 килограмм вазнли боксчилар орасида Осиё қитъаси шарафини муносиб ҳимоя қилган ҳамюртимиз Орзубек Шоимов бош соврин учун курашда Жон Жой Невинини 77:3 ҳисобида енгди ва турнир ғолиби деб эътироф этилди.

Турнирда қатнашган яна бир вакилимиз Раимжон Аҳмедов ўз вазн тоифасида бронза медали билан кифояланди.

## ҲАМЮРТЛАРИМИЗ — СОВРИНДОР

**Япония пойтахти Токио шаҳрида дзюдо бўйича уюштирилган «Олтин тож» мусобақаси доирасига кирувчи йирик халқаро турнир якунланди.**

Унда мамлакатимиз шарафини ҳимоя қилган полвонларимиз Абдулла Тангриев ва Дилшод Чориев ўз вазн тоифаларида бронза медалларини қўлга киритишди.

**(Ўз мухбиримиз)**


**«Республика Кўчмас мулк биржаси» ЁАЖ бошланғич баҳоси ошиб бориш тартибида ўтказиладиган очиқ аукцион савдосига таклиф этади!**

РКМБ марказий идораси биносида 2010 йил 28 январ куни соат 11:00да бўлиб ўтадиган аукцион савдосига "Республика Кўчмас мулк биржаси" (РКМБ) ЁАЖ Кузатув Кенгашининг 2009 йил 3 сентябрдаги йиғилиш қарори ва Бошқарувнинг 2009 йил 18 декабрдаги қарорига асосан РКМБнинг "Менинг мулким – Частная собственность" МЧЖ устав фондидаги 20,16 фоиз улуши қўйилмоқда.

Улушнинг бошланғич баҳоси – 20 761 945 сўм.

Ушбу аукцион савдосида 2010 йил 28 январ куни сотилмаган тақдирда, такрорий аукцион савдолари 2010 йил 11 ва 18 феврал кунлари соат 11:00да ўтказилади.

Аукцион савдосида иштирок этиш истагини билдирган талабгорлардан аризаларни қабул қилиш аукцион савдосига бир соат қолганда тўхтатилади.

Ушбу савдоларда қатнашиш истагини билдирган талабгорлар савдо ташкилотчиси билан тузиладиган закалат келишувга асосан, мулк бошланғич баҳосининг 10 фоизидан кам бўлмаган миқдорда закалат пулини РКМБнинг ОАИТБ «Ипак йўли банки» Сағбон ф-даги қуйидаги ҳисоб-рақамига тўлашлари шарт: ҳ/р: 20210000300571452114,. МФО: 01036, СТИР: 200933850,. Манзил: Тошкент ш., С.Раҳимов т., М.Ўразбоев кўчаси, 1-А-уй. Тел: 228-79-52. www.rkmb.uz

**«Республика Кўчмас мулк биржаси» ЁАЖ бошланғич баҳоси ошиб бориш тартибида ўтказиладиган очиқ аукцион савдосига таклиф этади!**

Аукцион савдосига Собир Раҳимов туман СИБ томонидан "ВАЗ 2106" русумли, д/р 1982 бўлган, 1982 йилда и/ч "Ганга" жарима майдончасида сақланаётган техник носоз автотранспорт воситаси қўйилмоқда. Бошланғич баҳоси – 2 369 681 сўм.

**Аукцион савдоси 2010 йил 9 феврал куни соат 11:00да бўлиб ўтади.**

Талабгорлар диққатига! Юқоридаги автотранспорт воситаси 2010 йил 9 февралдаги аукцион савдосида сотилмаган тақдирда, мазкур мулкни сотиш юзасидан такрорий аукцион савдоси 2010 йилнинг 23 феврал куни бўлиб ўтишини олдиндан маълум қиламиз. Аукцион савдоси юзасидан барча маълумотларни 228-79-52 телефон рақами ёки биржанинг www.rkmb.uz расмий вебсайти орқали олишингиз мумкин. Савдога қўйилган автотранспорт воситаси билан туман суд ижрочилари бўлимининг вакили иштирокида бевосита жойига чиқиб танишиш мумкин. Аукцион савдоларида иштирок этиш учун талабгорлардан аризаларни қабул қилиш аукцион савдосига бир кун қолганда тўхтатилади.Аукцион савдоларида қатнашиш учун талабгорлар савдо ташкилотчиси билан тузиладиган закалат келишувга асосан, мулк бошланғич баҳосининг 10 фоизидан кам бўлмаган миқдорда закалат пулини, тўлов ҳужжатида ижро ҳужжати рақами ва санасини кўрсатган ҳолда РКМБнинг ОАИКБ «Ипак йўли банки» Сағбон ф-даги қуйидаги ҳисоб-рақамига тўлашлари шарт: ҳ/р: 20210000300571452114, МФО: 01036, ИНН: 200933850., Манзил: Тошкент ш., С.Раҳимов т., М.Ўразбоев кўчаси, 1-А-уй. Тел: 228-79-52. www.rkmb.uz.

**«ТОШКЕНТ ОҚШОМИ»**

**Эълонлар шанба ва якшанбадан ташқари ҳар куни соат 9.00 дан 16.00 гача қабул қилинади. Маълумотлар учун телефон: 233-28-95. Факс: (3712) 233-21-56. Манзилимиз: Матбуотчилар кўчаси, 32-уй, 2-қават, 208-хона.**

«ЧП Азизов Т.М.»га тегишли думалоқ муҳр йўқолганлиги сабабли
**БЕКОР ҚИЛИНАДИ**





МУАССИС: ТОШКЕНТ ШАҲАР ҲОКИМЛИГИ

Бош муҳаррир Акмал АКРОМОВ

Манзилимиз: 100029, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32

ТЕЛЕФОНЛАР:
Эълонлар: 233-28-95,
236-57-65. факс: (371) 232-11-39.
*Душанба, сешанба, чоршанба, пайшанба ва жума кунлари чиқади.*
**Нашр кўрсаткичи — 563**
ISSN 2010-9229

Газета „Тошкент шаҳар Матбуот ва ахборот бошқармасида 02-1-рақам билан рўйхатга олинган.

Ҳажми — 2 босма табоқ, офсет усулида босилади. 2812 нусхада босилди. Қоғоз бичими А-2

**Нашрни етказиб бериш масалалари бўйича турар жойлардаги почта бўлимларига ёки «Тошкент почтамти»га — 233-74-05 телефонига мурожаат қилишингиз мумкин.**

Газета «Тошкент оқшоми»нинг компьютер марказида терилди ва саҳифаланди.

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: Буюк Турон кўчаси, 41-уй.

1 5